Биз, тизимли ва пухта ўйланган, прагматик ташқи сиёсий ва иқтисодий дипломатиямизни бундан кейин ҳам фаол давом эттирамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
7-fevral
chorshanba
№ 6 (1381)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ gazhurriyat@mail.ru ✱ t.me/hurriyatuz ✱ Hurriyat gazetasi

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

БИРЛАШСАК, БУ УЛУҒ ВАТАННИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАМИЗ

Ҳаммамиз шу Ватанга жон-жонимиз, қон-қонимиз, руҳимиз, борлиғимиз, бутун ҳаётимиз, унинг ҳар бир лаҳзаси билан боғлиқмиз. Тириклигимиз, тинчлигимиз, фаровонлигимиз, бору йўғимиз унинг зиммасида. Демакки, унинг — бутун бир халққа, не-не авлодларга ватан бўлган улуғ юртнинг, муқаддас заминнинг — тараққийси, барқарорлиги, дахлсизлиги ва гуллаб-яшнаши, ривожи ҳаммамизга, ҳар биримизга боғлиқ. Яратган ҳар бир инсонга ўзгача истеъдод, ўзгача лаёқат, ўзгача қизиқишлар ва имкониятлар инъом қилган. Бу инъомлар одамларга хизмат қилиш учун берилган, албатта, чунки якка, узлатда яшаган одамга, ундаги лаёқат, истеъдод қанча кучли бўлмасин, заррача аҳамияти бўлмасди. Имкониятларни ўз ўрнида тасарруф қилиш, керакли ўринга йўналтириш, шу жамият, шу халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш энг муҳим вазифалардандир. Кимки кам меҳнат қилиб, тўқликка етишаман, деса, бу, сўзсиз, хато бўлади. Инсон меҳнат ва тафаккур учун яратилган. Бугун бутун дунёда тезкор тараққиёт юз бермоқда. Тараққиётнинг асоси эса уйғоқлик, янги ташаббуслар, янги ғоялар, янги ҳаракатлардир.

Инсоният тарихида ҳеч бир ўзгариш ўз-ўзидан юз бермаган. Бирор мамлакат йўққи, ақлу закосиз, меҳнат ва машаққатсиз бир янгиликка, бир юксалишга эришган бўлса. Мамлакат тараққийси ҳамма замонларда, ҳар қандай шароитларда қалби уйғоқ, халқпарвар одамларга, илмли, зиёли кишиларга боғлиқ бўлиб келган.

Халқимиз, шу жумладан, барча зиёлиларимизга маълумки, мамлакатимиз раҳбари раислигида ўтган йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бедорлик, уйғоқликка чорлов бўлди бу йиғин. Инсонни чуқур мушоҳада қилишга ва шу заҳотиёқ она халқ, буюк юрт учун қўлдан келган нимадир юмушга бел боғлашга ундади бу катта анжуман.

Йиғилишда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш билан бирга, маънавиятимизни янада юксалтиришимиз лозимлигига алоҳида урғу берилгани биз ижодкорларни руҳлантирди. Бу халқ, бу мамлакат учун жонкуяр, ўтюрак, бедор, куюнчак одамлар қанча бўлса, шунча кўп керак эканини мушоҳада қилдик. Чиндан ҳам, таъкидланганидек, бугун бизга кўп сонли жадидлар керак. Ёшларни миллатпарвар этиб тарбиялаш, уларнинг истеъдодини юксалтириш ва салоҳиятидан тўғри фойдаланишга бўлган саъй-ҳаракатлар аниқ мақсадли бўлиши лозим.

2 - б.

БОҚИЙ САТРЛАР

Алишер НАВОИЙ

ЭММАС

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқомен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон, бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки мажнунваши қотил шиоримким,
Бузуғ кўнглимдин ўзга ерга жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзун очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

11 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ МУНТАЗАМ ЭШИТТИРИШЛАРИ БОШЛАНГАН КУН

БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Биз ҳар куни эшитиб, қулоғимиз ўрганиб қолган радио ўз даврининг буюк кашфиёти ҳисобланиб, ўзининг 129 йиллик тарихида кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Ўзбекистонда мунтазам радиоэшиттиришлар 1927 йил 11 февралдан бошланган. Ўзининг тезкорлиги, жарангдор овози асосида беназир, қолаверса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида арзон ахборот воситаси ҳисобланган радиони ҳозир ҳам кўпчилик тинглайди. Ўзбекистон радиоси 97 йил давомида фаолият юритиб келаётган бўлса, унинг ҳар бир куни ўчмас саҳифалар ва хотираларга бой, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Қуйидаги мақоламизда радио билан боғлиқ баъзи ҳаётий лавҳаларни ёритишга ҳаракат қилдик.

Минг тўққиз юз етмиш саккизинчи йилнинг ёз фасли. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетининг учинчи курсини тугатгач, ишлаб чиқариш амалиётини Ўзбекистон радиосининг “Болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар” бош муҳарририятида ўтайдиган бўлдим. Ўшанда муҳарририятнинг бош муҳаррири ёзувчи, публицист ва олим Мели Норматов эди. Бу муҳарририят бошқа муҳарририятлар орасида ўзига хос мавқега эга бўлиб, жамоа жуда аҳил, иноқ экан. Бунда Азиз Ёқубов, Тўлқин Илҳомов, Олим Маҳкамов, Ҳафиза Ҳайитметова, Муҳаммаджон Раҳмон каби бир-бирига меҳрибон, болажон ижодкорлар ишлашар эди. Амалиёт давридаги қисқа вақт ичида уларнинг ҳар бири ўз овозига эга ижодкор, ўз касбининг фидойилари, қўлидан келганча яхшилик қилиб, савобни соғиниб яшайдиган инсонлар эканлигини билиб олдим. Доимо юзидан табассум балқиб турадиган овоз режиссёри Туҳфа опанинг эшиттиришга келган болаларни суйиб, эркалаб, эъзозлашларини айтмайсизми! Ижодкор жамоа билан бирпасда тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Мен ёшлигимдан болалар учун шеър, кичик ҳикоялар ёзишни ёқтирар эдим. Бу менга жуда қўл келди ва болалар учун тайёрлаган эшиттиришларим муҳаррирларга маъқул бўлди, шекилли, улар кетма-кет эфирга берила бошлади. Ҳатто бир марта эшиттириш тайёрлаш учун Жиззах вилоятига сафарга ҳам юборишди. Ўшанда Жиззах туманидаги илғор хўжаликнинг раҳбари, икки марта Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман.

4 - б.

9 ФЕВРАЛЬ — МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАВОИЙШУНОСЛИГИ:

ОЧИҚ ДАРСЛАР

Анча вақтдан бери замондош навоийшунос олимларнинг асарларини мутолаа қилиш асосида “шу китоблар негизида навоийхонлик бўйича очиқ дарслар ташкил этиш зарур” деган фикр хаёлимда айланиб юрганди. Таниқли адабиётшунос ва ҳуқуқшунос, навоийшунос ва бобуршунос Буробия Ражабованинг иккита янги китоби — “Боқий васиятномалар” ҳамда “Сўзлар билан сўзлашув”ни ўқиб чиққанимдан сўнг бу фикрим янада қатъийлашди.

Биринчи китобдаги 22 фаслда Амир Алишер Навоий асарларида тасвирланган тарихий ва бадиий образлар, тимсоллар атрофлича таҳлил ҳамда талқин этилган. Иккинчи китобнинг жами 8 фасли ҳам мумтоз мутафаккир ва санъаткор шоир асарлари мағиз-моҳиятини бутун қирралари билан чуқур англашга кўмаклашадиган тарихий ва бадиий тўқима образлар, муҳим тимсол-тушунчалар билан боғлиқ мўъжаз этюдларни ўзида қамраган.

Шу маънода, ҳар икки китоб улуғ шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг ҳаёт йўли ҳамда ижодиёти ҳақида кенг кўламда маълумот тақдим этадиган очиқ дарс маърузалари учун мустаҳкам тагзамин, десам, янглишмайман. Ушбу асарлар мамлакатимиздаги нуфузли Илмий кенгашлар томонидан нашрга тавсия этилгани эса уларнинг илмий-амалий қимматини янада оширган.

“Боқий васиятномалар” нима дегани?

Ҳар қандай синчков китобхон янги китобни қўлига олар экан, аввало, унинг номига, нима учун айнан шундай номланганига эътибор қаратиши табиий. Буробия Ражабованинг фикрича, “Навоий ижодида ижтимоий фикр ва поэтик талқиннинг бетакрор намуналаридан бири шоир томонидан тасвирланган, ижод қилинган ўттиздан ортиқ васият ва васиятномалар билан боғлиқ воқеалар тасвиридир”. Шу маънода, “Боқий васиятномалар” — Алишер Навоий бобомиз асарларидаги бир неча ўнлаб васият ва васиятномаларнинг ўзига хос илмий-бадиий талқинидир.

Васият — луғатларга кўра арабча сўз бўлиб, инсоннинг ўлим олдидан айтиб қолдирадиган гаплари, ўлим олдидаги охирги сўзидир.

8 - б.

НУҚТАИ НАЗАР

ЁШЛАР ЭЛ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙДИ

Ахборот асрида яшаяпмиз. Ҳаётимиз интернет билан чамбарчас боғланиб бўлди. Ер курраси геосиёсий муносабатлар, низолар, ахборотлар, мафкуралар оқимида ўзгариб турибди. Халқининг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш, миллатнинг маънавий, мафкуравий бойликларини сақлаш ҳар доимгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда доим фикран уйғоқ бўлиш талаб этилади.

Ўзбеклар — азалдан уйғоқ миллат. Уйғоқлик бизнинг томиримизда, жонимизда, сийратимизда бор. “Авесто”да шундай ёзилган: “Эрта тур, ният қил, амал қил!”

Буюк тарихимизга боқинг. Дунёни уйғотган бизнинг боболаримиз эмасми! Бедорлик тожини кийган Соҳибқирон Амир Темур бобомиз етти иқлимга ҳукмдорлик қилди. Султон Мирзо Улуғбек осмон тоқига нарвон қўйди. Мудраб ётган тамаддун бешигига уйғонмоқ саодатини берган Мусо Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Насир Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд каби боболаримиздир. Абу Али ибн Сино оламнинг дардига даво бўлганини дунё тан олиб турибди-ку! Биз тарбиялаётган йигит-қизлар ана шундай улуғ ва уйғоқ мутафаккирларнинг авлоди эканлигини унутмаслиги шарт.

6 - б.

БИРЛАШСАК, БУ УЛУҒ ВАТАННИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАМИЗ

1 - б.

Бу борада “Жадид” газетасининг ташкил этилгани, барча зиёлилар қатори, бизни бениҳоя қувонтирди.

Миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган маданият, адабиёт, санъат, илм-фан, таълим ва тарбия устувор масаладир.

Мақом, бахшичилик, аския санъати ривожи йўлида амалга оширилган ишлар кўлами борасида ҳам тўхталиб ўтилди. Келгуси йилларда бу ишларни янада ривожлантириш соҳа мутахассисларининг юксак вазифасидир.

Йиғилишда пойтахтимизда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси, ҳудудларда янги ижод уйлари қурилгани, самарали ижод қилаётган адиблар имтиёзли асосда уй-жойлар билан таъминлангани айтиб ўтилди. Ҳа, бу имтиёзлардан биз ҳам манфаатдормиз, уйимиз обод, маҳалламиз зиёлилар маҳалласи. Юртимиз тинч бўлса, биздан бахтли инсон борми?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларнинг ижодий ишлари катта ададларда чоп этилгани, республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари тикланиб, қанчадан-қанча ёшларни кашф этаётгани тўғрисида сўз борганида, айни семинарнинг ичида бўлганимдан, ёш ижодкорлар ижодини кузатиб, муносиб номзодларни семинарларга чорлаш ва бошқа ишларда иштирок этганимдан чексиз ғурур туйдим.

Асосий қонундаги фундаментал принципларидан келиб чиқиб, Миллий ғояни шакллантириш лозимлиги таъкидланганида, кўнглимизга ўз-ўзидан асрий қадриятлар келади. Соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ишида агар ҳар бир зиёли ўз ҳиссасини қўшса, биз кўзланган мақсадга яқин йилларда етамиз. Ахир бу, албатта, ҳаммамизнинг бурчимиз. Бугунги кун, глобаллашган замонда биз учун мавжуд ғояларимиздан бақувват, чуқур ўйланган, мустаҳкам шакллантирилган миллий-мафкуравий ғоя зарур, албатта. Бу ғоя бутун миллатни бедорликка, Ватан деб ёниб яшашга ундаши лозим. Унга асрий миллий қадриятларимиз, замонавий имкониятлар асос бўлмоғи керак.

Йиғинда жуда кўп масалалар ўртага ташланди. Кўнглимизнинг бир четини хира қилиб турган, аммо моҳиятини ўзимиз ҳам унутиб юборган кемтикларимизнинг яқин йилларда тўлдирилиши дарагини эшитганда эса кўзга беихтиёр ёш келди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг аҳволи ҳам бир неча йиллардан бери зиёлиларни ташвишга солаётган эди. Бу музей мамлакатимизнинг энг нурли маънавият масканларидан бири сифатида энди замонавий кўриниш касб этиб, юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини адабий меросимиз билан таништиради.

Миллатнинг фахри, ғурури бўлган ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини юртимиз миқёсида ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани эса мажлиснинг юрак нуқтаси бўлди. Бу нақадар аҳамиятли масала. Энди ўзбек тилидан бошқа тилларда ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари икки-уч соатга кўпайтирилади. Қандай қувонарли янгилик! Миллий тил сертификатининг қиммати оширилгани эса ёшларимизни давлат тилини чуқур ўрганишга чорлайди. Миллий сертификатга эга бўлган “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши қайд этилди. Шунингдек, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш чоралари кўрилиши таъкидланди. Энди бундан кейин ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Буларнинг ҳаммаси миллатни жипсликка, бирликка чорлайди, унинг қадр-қимматини оширажак!

Кўплаб масалалар — кино соҳасини ривожлантириш, алломалар ва атоқли саркардалар образини яратиш, “Тирик тарих” сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар ишлаш, кўп сонли аҳолимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш билан бирга, уларда юксак қадриятларга ҳурмат руҳини кучайтириш мақсадида миллий сериаллар яратиш, болалар адабиётини юксалтириш, болалар тилида алломалар ҳақида китоблар ёзиш, музейлар фаолиятини яхшилаш, китобхонлик, нашриёт ишлари каби кўплаб мавзуларда тўхталиб ўтилар экан, буларнинг барчаси негизида қутлуғ сўз, адабиёт турганини яхши биламиз. Адабиёт эса чегара билмайди, миллат танламайди.

Келгуси йилдан миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари кўп нусхада чоп этилиши, таржимонлар қўллаб-қувватланиши борасидаги янгиликлар ижодкорларни, таржимонларни жуда мамнун қилди, уларни ўз устида чуқурроқ ишлашга, билдирилган ишончга муносиб бўлишга ундади.

Аҳоли ўртасида китобхонликни ривожлантириш ва ёшларни илмий-оммабоп китоблар мутолаасига жалб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги хайрли ишларни янги босқичга олиб чиқади, дея ишончимиз мустаҳкам. Ушбу лойиҳа ўз олдига ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилишни мақсад қилган. У замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан ёшларни таништириб боришни кўзда тутади. Мингта китоб, албатта, бирданига таржима қилиниб, чоп этилмайди, босқичма-босқич амалга оширилади. Экспертларга таяниб иш кўрилиши эса жуда тўғри қарор. Қизиқувчан ёшларга айни илмий ва интеллектуал мазмундаги, кашфиётлар, тадқиқотлар ҳақидаги китобларни тақдим этишнинг қандай йўллари борлиги ҳақида кўп ўйлар эдик. Ушбу лойиҳа ўзбек фанининг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшади. Ёшларимизни кенг тафаккур қилишга ундаш, ўзи танлаган соҳадаги янгиликлардан доимий хабардор бўлиш, соҳани мунтазам чуқур ўрганиб боришга ундайдиган платформа яратилиши ҳам белгиланган эди ушбу қарорда. Адабиётларимизнинг электрон шакли мавжудлиги тилимизни ўрганишга бўлган эътиборни янада оширишга ҳам хизмат қилади.

Билимдон, зукко олимларимиз, дунё маданиятига ҳисса қўшаётган зиёлилар жуда кўп бўлса-да, уларнинг кўпи болалар дунёсига яқин эмаслиги таъкидланди. Чиндан ҳам фарзандларимиз Хоразмий, Беруний, ибн Сино каби алломаларнинг номларини эшитадилар, бирор асарларини ўқий олмайдилар. Уларнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, болалар учун мос асарлар яратишга чақириқ, албатта, барча ижодкорларни ҳушёр торттирди.

Чиндан ҳам ўзбек адабиёти ва кино санъати ҳали кўплаб алломалар, мутафаккирлар, шоир ва ёзувчилар, жадид ҳаракати вакиллари ҳақида фильмлар яратишдан қарздор.

Нашриёт ва матбаа корхоналарининг имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларнинг беш йил давомида ҳамма солиқлардан озод қилиниши барчани руҳлантирди. Бу бадиий адабиётлар кўплаб чоп этилади, тарқатилади, дегани.

Таржимонлар учун Огаҳий номидаги мукофот жорий этилиши ҳам бизнинг таржимонларимизни бу машаққатли ишда ҳушёр бўлишга сергаклантиради, Огаҳий номига муносиб бўлишга ва халқ ишончини оқлашга ундайди. Чет эллик таржимонлар билан ҳамкорлик қилишга давлат миқёсида эътибор қаратилса, албатта, натижа жуда ҳам юксак бўлиши шубҳасиз.

Матбуот нашрларининг обунаси ҳам мажлисда алоҳида таъкидланди. Газета ва журналлар, бу — чинакам маънавият дегани.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, халқ фаровонлиги, барқарор гўзал ҳаёт қуриш бахти насиб этишини истасак, бизлар бир-биримизни янада ҳурмат қилишни, эъзозлашни ўрганишимиз керак. Бирлашсак, боболардан мерос юртни янада юксалтирамиз.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўқув-методика ва ҳарбий ватанпарварлик бўлими бошлиғи.

ЭЪТИРОФ

ПУБЛИЦИСТИК-ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

“Бир макон — бир йўл” ташаббуси Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис 2023 йилнинг октябрь ойида “Фарғона ҳақиқати” — “Ферганская правда” газеталари таҳририяти томонидан “Бир макон — бир йўл”ни қуриш, инсониятнинг ягона тақдири ҳамжамиятини барпо этиш: Ўзбекистондан назар” мавзусидаги публицистик-таҳлилий мақолалар танлови эълон қилинган эди. Жорий йилнинг 6 февраль куни ушбу танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, ОАВ вакиллари ҳамда Ўзбекистон — Хитой муносабатларига бефарқ бўлмаган ҳамюртларимиз иштирок этди.

Тадбирда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар қарийб 25 йилдан буён ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида самарали давом этиб келаётгани, айниқса, сўнгги йилларда икки давлат ўртасида ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, иқтисодий соҳада юқори фаоллик кузатилаётгани эътироф этилди. Шунингдек, Хитой Ўзбекистоннинг иккинчи йирик савдо шериги ва энг йирик сармоя манбаи ҳисобланиши, бу мамлакат “Бир макон — бир йўл” лойиҳасини ривожлантиришда Ўзбекистонни асосий ҳамкор деб билиши ва инфратузилма, транспорт ҳамда коммуникацияларга катта сармоя киритгани, ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар борасида ҳам сўз борди.

Шундан сўнг танлов ғолиблари эълон қилинди.

Унга кўра:

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Оқил Умрзақович Салимов бош мукофот соҳибига айланди.

“Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳамда “Менинг юртим” телеканали 1-ўринга муносиб деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори Одилжон Олимжонов, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканали 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, Фарғона давлат университети ректори Баҳодир Шермуҳаммадов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Умид Жабборов, “Zamon.uz” интернет нашри бош муҳаррири Севара Алижонова ҳамда Қирғизистон Республикаси Ахборот агентлиги директори Азамат Касимов 3-ўрин эгалари бўлди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори Назира Тошпўлатова, журналист Абдуазиз Хидиров, шунингдек, “Халқ сўзи” — “Народное слово” газеталари бош муҳаррири ўринбосари Руслан Кенжаев, “Kun.uz” интернет сайти таҳлилчиси Камолиддин Раббимов рағбатлантирувчи дипломларни қўлга киритди.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ҳамда совғалар топширилди.

Дилафрўз ҒОФУРОВА.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ҚАДАМЛАРИ

Италия парламентида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари қўмитаси раиси Малика Кадирханова бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси жорий йилнинг 31 январь - 3 февраль кунлари амалий ташриф билан Римда бўлди.

Делегация таркибидан Ўзбекистон адлия вазирининг ўринбосари Музраф Икромов, “Юксалиш” миллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов ўрин олди.

Ташриф давомида Италия парламентида «Ўзбекистонда янги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар: Европарламент ва Италия билан ҳамкорлик ва мулоқотни чуқурлаштириш истиқболлари» мавзусидаги брифинг ташкил этилди. Унда 30 дан ортиқ депутат, Италия парламенти сенаторлари, шунингдек, таҳлилий тузилмалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Малика Кадирханова брифинг иштирокчиларига Янги Ўзбекистонни ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий йўналишлари, янгиланган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, Европа Иттифоқи, хусусан, Италия билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, гендер тенглигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётни либераллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш, хорижий инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Музраф Икромов ва Бобур Бекмуродов ўз чиқишларида, Италия томони Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, шунингдек, ННТ фаолиятини такомиллаштириш ва сезиларли даражада соддалаштиришни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ҳақида маълумот бердилар. Шу билан бирга, сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган натижалар алоҳида урғуланди.

Италия Депутатлар палатаси вице-президенти Этторе Розато ўз навбатида, сўнгги йилларда Италия – Ўзбекистон муносабатлари ривожланиш чўққисига чиққанини таъкидлади. Қайд этилганидек, Италия учун Ўзбекистон мудофаа, хавфсизлик, энергетика, таълим ва туризм соҳаларида муҳим ҳамкор ҳисобланади. Шунингдек, глобал муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон ва Италиянинг позициялари кўп жиҳатдан мос келади ёки жуда яқин.

“Ўзбекистон раҳбарияти томонидан иқтисодиётни либераллаштиришнинг ушбу соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасидаги жиддий қадамларни юксак қадрлаймиз”, – деди Этторе Розато.

Парламент Депутатлар палатасидаги “Италия-Марказий Осиё” парламент дўстлик гуруҳи раҳбари Фабрицио Бенцони маърузасида Ўзбекистонда 2023 йилда ўтказилган конституциявий референдум ва муддатидан илгари Президент сайловининг якуний натижаларини эътироф этди. “Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларини янгилаш борасида муҳим қадам ташламоқда. Расмий Тошкент конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, янгиланган Конституцияга гендер тенглиги ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир алоҳида нормаларни киритиш орқали Италия тажрибасини жорий этаётганидан жуда мамнунмиз”, – деди сиёсатчи.

Шунингдек, у мамлакатимизда давлат банклари ва йирик компанияларни хусусийлаштириш жараёнлари туфайли италиялик инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқиши кучайиб бораётганини таъкидлади. Унга кўра, Италия яқин келажакда мамлакатимизнинг 10 та асосий иқтисодий, савдо ва сармоявий ҳамкорлари қаторига кириш ниятида.

Италия парламенти Сенати аъзоси Марко Скуррия ўз чиқишида дунёда давом этаётган турли глобал муаммолар жараёнида Марказий Осиё давлатлари Европа давлатларининг қўллаб-қувватлашига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож эканига эътибор қаратди.

“Италия Марказий Осиёнинг мустақил сиёсий йўналишини қўллаб-қувватлайди ва барча Европа Иттифоқи давлатларини минтақа мамлакатлари билан стратегик шериклик ўрнатиш учун самарали чоралар кўришга чақираман. Бугунги очиқ мулоқот шунчаки тадбир эмас, балки расмий Римнинг Тошкент билан стратегик шерикликни амалга ошириш ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга тайёрлигининг тасдиғидир”, – деди у.

Ўзбекистон делегацияси Италияга амалий ташриф доирасида, шунингдек, ушбу мамлакат парламент қўмиталари раҳбарлари, депутатлар, экспертлар ва таҳлил марказлари вакиллари билан қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Италия Сенатининг Ташқи ишлар ва мудофаа комиссияси раиси Стефания Кракси билан кечган мулоқот чоғида у Рим Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади. “Чунки Тошкент Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш жараёнларининг “локомотиви”га айланмоқда. Биз шунингдек, икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги фаол ҳамкорликни ҳам олқишлаймиз”, — деди у.

Стефания Кракси, шунингдек, Афғонистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ вазият нуқтаи назаридан Италия томони Ўзбекистоннинг Термиз шаҳридаги афғон ёшларини, хусусан, ушбу мамлакат хотин-қизларини ўқитиш марказини ҳамда Халқаро транспорт ва логистика маркази орқали Афғонистон аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Италия Халқаро ташкилотлар жамияти президенти Риккардо Сесса 2023 йил икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва дўстлиги туфайли икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим ва жуда самарали йил бўлганидан мамнунлигини билдирди. Таъкидланишича, Ўзбекистон Президентининг июнь ойида Римга ва Италия Президенти Сержо Матарелланинг ноябрь ойида Тошкентга ташрифи муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқди.

У шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, оммавий ахборот воситалари эркинлигини ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ва маъмурий ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, Риккардо Сесса “Марказий Осиё + Италия” форматининг аҳамиятини алоҳида қайд этди. “Жорий йилнинг июнь ойида Римда Марказий Осиё давлатлари ва Италия ташқи ишлар вазирларининг учрашувини ташкил этиш, нафақат Италиянинг сиёсий ва иқтисодий доиралари, балки Европа Иттифоқининг барча давлатлари учун Марказий Осиё минтақасига янада катта қизиқиш уйғотишига сабаб бўлади”, — деди у.

Мамлакатимиз вакиллари ташриф давомида Италия-Ўзбекистон дўстлик жамияти президенти Магда Педачи билан ҳам учрашув ўтказдилар.

Магда Педачи мулоқот аввалида 2023 йил ноябрь ойида Италия Президенти Сержо Матарелла бошчилигидаги делегация таркибида Ўзбекистонга ташриф буюрганини эсга олди.

“Мен ташриф давомида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганига, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ва мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганига шахсан амин бўлдим”, — деди жамият раҳбари.

Осиё ва Африка учун Ўрта Ер денгизи институти бош котиби Винченцо Валенти билан ўтказилган суҳбатда 2023 йилда Тошкент ва Римда ўтган олий даражадаги саммитлар якунларига кўра, Италия-Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даврига қадам қўйгани таъкидланди.

“Мамлакатингиздаги жадал суръат билан давом этаётган ислоҳотлар давлатингиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва Ўзбекистон халқининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли амалга оширилмоқда, — деди бош котиб. — Икки давлатда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам улкан салоҳият мавжуд”.

“Дунё”АА,
Рим шаҳри.

БУЮКЛАР ҲАЁТИ

НАВОИЙ БОЙЛИГИНИ НИМАГА САРФЛАГАН?

Замондошлари орасида унга ҳавасмандлар мавжудлиги асосида ҳасад қиладиганлар ҳам йўқ эмасди. Зеро, Алишер Навоий нафақат мутафаккир шоир ва давлат арбоби, балки ўз даврининг энг бой кишиларидан бири ҳам бўлган. Ҳатто, қолган умрини ижод ва илмга бағишлаш мақсадида ўз ихтиёри билан вазирликдан истеъфога чиққанида, ғаразгўйлар "Алишербекнинг бойлиги ошиб, давлати ғуруридан нозиклашиб кетди", дея миш-миш ҳам тарқатишганди.

Темурийлар сулоласига хизмат қилиб, Сабзавор шаҳрига ҳоким бўлган Ғиёсиддиннинг ўртанча ўғли Алишербек отаси вафотидан сўнг мерос сифатида ўзига тегишли бўлган сармояни, қолаверса, топган пулини, ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро инъом этган ер-сувни ҳаракатлантириш асосида қисқа фурсат ичида бойиб кетди. Тадбиркорлик йўналишини, асосан, боғу роғлар қилишга қаратди, ундан келадиган даромадни эса маданий-маърифий иншоотлар қурилишига сарфлади. Яъни, қишлоқларни боғзорларга айлантирди, улардан тушган пулларни хайрия ишларига, илмга сарфлади.

Алишер Навоийнинг деҳқончилик қилинадиган кўплаб ери бўлиб, асосан, Ҳирот атрофларида, Сабзаворда эди. Бу ерларда деҳқонлар келишилган ҳолда ишлаб, мунтазам ҳақ олиб туришган.

Навоийнинг 1481 йилда ёзган "Вақфия" асарига кўра, унинг *"Олинжон бўлуки Фаррошон мавзеъида йигирма беш жериб боғ, Хожа Шиҳоб боғоти ва юз жериб ер, Сабгур бўлукида икки қитъа узум боғи — олти жериб, яна Сифлий маҳалласида неча боғот жаъми олтмиш жериб, яна мазкур маҳаллада йигирма олти жериб узум боғи. Яна бир қитъа ўн саккиз жериб ер ва дағи ўн икки жериб боғ. Яна қитъа ўн тўққиз жериб. Яна ток била боғот етмиш тўрт жерибким, ундан ўттиз тўрт жериби узум токи, ўзгаси ер бўлгай, яна неча қитъа ер туташ ўн тўрт жериб, яна бир қитъа ер йигирма тўрт жериб, яна бир қитъа ер бир ярим жериб"* ерлари бўлиб, жами 800,5 жерибни ташкил қиларди. Навоийга қарашли ушбу ҳудудларнинг бари суғориладиган, ҳосилдор ерлар бўлган.

Булардан ташқари, Алишербекка қарашли бир қатор савдо расталари ҳам бўлиб, улар, асосан, энг гавжум бозорларда жойлашганди: *"Ҳиротдаги Малик бозори ичиндаги растада бир-бирига муттасил (туташ) бешта дўкон, жанубий бозорнинг ғарбида яна бир пўстинфурушлик дўкони ҳам бир болохонаси, яна бир тимча ва тўрт дўкон бир-бирига муттасил. Малик дарвозаси тошида (ташқарисида) икки ошом (қават) иморат ва саккиз дўкон тимчага туташ. Яна икки дўкон Қуҳундузда, яна икки дўкон Боғи Зоғон кўчасида воқеъдур".* Яна Хуросоннинг бошқа сарҳадларида 4 та тим бозори, 24 та дўкон ҳам бор эди.

Ушбу бозорлардаги савдо расталарида, дўконларда тошу тарозининг тўғрилигини, харидор ҳақига риояни, олиб келинган молга йўл харажатларидан ташқари ортиқча пул қўймасликни ҳам шахсан Навоий ҳазратларининг ўзи назорат қилиб турган.

Ана шу ерлар, боғзорлар, дўконлардан келадиган даромадни шоир сахийлик билан муҳтож, етим-есир, бева-бечора, илмли инсонларга инъом қиларди. Ҳатто, бир гал Ҳусайн Бойқаронинг давлат хазинасида харажатлар кўпайиб кетганда солиқлар халқдан йиғилса, аҳли муслимга жабр бўлур, дея ўз ҳисобидан 25 минг динорни бутун бошли мамлакат аҳли учун тўлаб юборганди.

Саховатпеша зот ўзи барпо эттирган Шифоия, Низомия, Хисравия мадрасалари маъмуриятига топшириқ беради. Унга кўра, *"Икки олиму муттақий (тақводор олимлар) мударрис бўлгай. Ҳар бирининг йиллик вазифаси (иш ҳақи) икки юз олтин нақди, йигирма тўрт харвор (бир эшак кўтарарлик юк) ошлик, ярми арпа, ярми буғдой бўлгай. Ҳар ҳалқаи дарсда ўн бир толиби илмким, бориси йигирма икки бўлгай. Олти аъло (аълочи) ҳар бирига ойлик нақди йигирма тўрт олтун, йилда буғдой беш юк, васат (ўрта ўқиғонлар) секиз (талаба) ойлиғ ҳар бирига нақди ўн олтин, буғдой — йиллик тўрт юк, адно (паст ўқигонлар) секиз-талаба ойлик ҳар бирига ўн икки олтун, ошлиғ йилига уч юк" бериларди. Ошпаз ва фаррошларга ҳам очиққўллик билан маош тўланган. "Табақчи (ошпаз)га йиллик нақди икки юз олтун, буғдой беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдин ҳар бирига йилига икки юз олтундин жамъи олти юз олтун, буғдой беш юкдин ўн беш юк"* этиб белгиланган.

Ушбу мадрасаларда асосий эътибор талабаларнинг илм олишига қаратилиб, ўқитиш жараёни Навоийнинг назоратида бўлган. Талабалар гуруҳларга ажратилган, ҳар бир гуруҳ ўн бир кишидан ташкил топган. Бу уларнинг дарсни яхши ўзлаштириши учун қилинган. Табиийки, дарсни ўзлаштиришига қараб, талабалар уч тоифага бўлинган, шунга кўра нафақа тўланган. Энг илмли толиб шахсан Навоийдан ойига 24 олтин динор ва йилига беш қоп ошлик олган. Ўша вақтда энг семиз қўйнинг нархи 4-5 олтин динор бўлиб, ўша вақтда талаба бир ойлик нафақасига масалан, бешта қўй сотиб ололган.

Шоир мударрисларни ҳам ғоят қадрлаган — йилига 200 олтин динор маош, ҳар ойда 2 қоп буғдой ва арпа, кундалик озиқ-овқат, ҳатто уйидан мадрасагача миниб келадиган оти учун ем ажраттирган. Баъзи улови йўқ мударрисларга от ҳам олиб берган. Буларнинг барчасини тадбиркорликдан қозонилган маблағлар ҳисобидан қилган.

Таниқли олим Е.Э.Бертельс 1948 йилда нашр этилган "Навоий" номли асарида *"Алишер Навоий хазинасига ер-мулкларидан тушадиган даромаддан 300 дан ортиқ работлар, йигирмага яқин кўприклар ва 380 жойда хайрия-эҳсон уйлари қурилган, ҳар куни улар орқали минглаб муҳтожларга текин овқат ва кийим-кечак улашиб турилган"* (134-бет. Москва, 1948), деб ёзган.

Улуғ шоир масжид ва мадрасалар бунёд этиш, уларни таъминлаш билангина кифояланиб қолмай, ҳаёти давомида кўплаб ариқ, тўғон, 9 та ҳаммом, 20 та ҳовуз каби 300 дан ортиқ иншоот бунёд қилдирганки, бу анча-мунча бойваччанинг қўлидан келавермайдиган саховатлилик намунасидир.

Отасидан қолган мерос, давлат амалдори сифатида ажратилган молу мулки ва ерларидан келадиган даромад, Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг "Тарихи Рашидий" асаридаги маълумотга кўра, кунига 18 минг шоҳруҳий динорни, Фахрий Ҳиротийнинг "Латоифнома"сида ёзилишича эса кундалик даромади 75 минг, чиқими 15 минг динорни ташкил этарди. Аммо, у бошқа мулкдорлардан фарқли равишда, ўз эҳтиёжидан ортиқча барча пулларини хайрия ишларига сарфлаган.

Навоий ҳазратлари "Маҳбубул қулуб"да *"Яхшиларни топмоқ едирмоқдир ва айбларни ёпмоқ кийдирмоқдир. Ўринли берилган эски чопон ва қора тўн — сахийлик ва ўринсиз берилган зардан тўқилган сарпо — ярамаслик. Овқатинг бекор кетмасин десанг, едир; кийиминг эскирмасин десанг, кийдир. Сахийлик йўлини юқорида айтилганча англа, аммо яхшилик равиши ва ҳожат чиқариш расмларини бошқача англа"*, деб ёзган. Яъни, ул зот давлатманд киши сифатида қандай сахийлик қилиш кераклигини ўз асарида таъкидлаб ўтган.

Табиийки, бундай саховатпешалик улуғ шоир қалбига ёшлигидан ота-онаси томонидан сингдирилганди. Алишербекнинг отаси Ғиёсиддин бир умр темурийлар хонадонига хизмат қилган, 1452-57 йилларда Сабзавор шаҳрига ҳоким ҳам бўлган. Молу мулкини уч ўғил — Баҳлулбек, Алишербек ва Дарвешалибекка мерос қилиб қолдирган. Кейинчалик, 1469 йили шарқда Балх, ғарбда Бистом ва Домагон, шимоли Хоразм, жануби Қандаҳор ва Сейистондан иборат Хуросон тахтига Ҳусайн Бойқаро чиққач, дўсти Алишербекни олдинига муҳрдор, сўнгра амир ва Астробод вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. Шунингдек, акаси Баҳлулбек ва укаси Дарвешалибек ҳам вилоят ҳокими лавозимига эришадилар.

Алишер Навоий отасидан мерос мулки ва ўзига давлат амалдори сифатида ажратилган ерлардан келадиган даромад ҳисобидан Ҳиротда Ихлосия, Шифоия, Низомия мадрасасини, Халосия хонақоҳи, жоме масжидини, Марвда Хисравия мадрасасини, Ҳиротдан ташқарида Работи ишқ, Работи санг, шоир Аттор қабрига мақбара, Нишопур шаҳри атрофидаги жойлардан бирига Работи яздобарни қурдиради; Гуласт булоғидан Машҳад томон 80 чақирим узунликдаги ариқ қаздириб, шу ва бошқа ариқларга 16 та кўприк ўрнаттиради. 9 ҳаммом, 20 ҳовуз, 52 работ барпо эттиради.

Инглиз олими Д.С.Тримингем 1989 йилда Москвада нашр қилинган "Суфийские ордена в исламе" номли асарида 90 та работ қурдирган деган маълумотни келтириб ўтган, шунингдек, яна кўплаб тўғон, жами 300 дан ортиқ иншоот бунёд қилдирганини таъкидлаганди.

Хондамир "Хулосатул ахбор" асарида Ҳиротдаги жоме масжидининг тоқиси ва мақсураси зилзила натижасида шикастланиб, таъмирга муҳтож бўлиб қолганини, Навоий ҳазратлари ушбу обидаларни ўз маблағидан таъмирлатганини келтирган. Шу каби зилзила ва давр тўфонлари боис шикаст топган яна 12 та масжидни, машҳур Қобус минорасини, Аслон-жозиба работини қайта таъмирлаш ишига ҳам бош бўлган.

"Вақфия" асарида Навоий ҳазратлари ёзади: *"Ва бу Марғани кўшки бу ҳавили муҳавватасининг ҳадди жануби била ҳадди ғарбийсининг мобайнида воқеъ эрди ва ул иморате эрди — бурун чоғда тарҳ солғон ва қадимда ясалғон биноси тошдан эрди. Ҳамоноки, ул тошни меҳнат тоғидин ташиб эрдилар ва девори хом кирпичдин эрди, гўёким, ул кирпични андуҳ туфроғи ва ҳасрат сувидин қуюб эрдилар, тарҳи икки ошом эрди: қуйиғи ошоми тийраликдин фироқ шоми ва анда нуҳусат бимлари била зулмат хуффошларининг ороми, юқориғи ошоми бузуғлуғдин фироқ аҳли кўнгли эвидин нишони ва анда навмидлик чуғзлари била мотамий либос кабутарлар ошёни... чун бу муважжаҳ хаёл кўнгулда устувор бўлди ва бу мақбул андиша хотирда қарор тутти, ул бинойи дайр пайвандни ҳамвор қилиб, ўрнида мадрасае бино қилинди ва ул асоси калисо монандни бузуб, ерида масжиде солилди... Ва мадрасадин киргач, масжид анинг ҳадди ғарбики, қибла сори бўлғай, воқеъ бўлди. Ва хушхон имом ва хушовоз муқри муқаррар бўлдиким, салоти хамсани маҳалла аҳли била қоим тутуб, ул ҳазрат дуосиға машғул бўлғайлар. Ва мадрасанинг тўридаким, ҳадди шимолийдур, гунбазе ясалдиким, сураи қуръоний ва оёти фурқоний адосида қироат гулшанининг Исавий нафас андалиби хуш алҳонлари ва тажвид равзасининг Довудий нағма фохтаи ширин адолари ҳар кун ҳазрати рисолатпаноҳи мутаҳҳар руҳонияти учун бир сий пора калом ўқуб, ул ҳазрат дуоси бирла хатм қилғайлар. Ва гунбазни Дорул ҳуффоз дейилди. Ва мадрасанинг шарқий ва ғарбий суффасида икки мударриским, бириси фиқҳ усули ва фуруи ва бириси ҳадис фуру ва усули айтқойлар ва ҳар дарс ҳалқасида ўн бир толиби илмким, мувaззаф бўлғайлар — таъйин қилилди. Ва мадрасағаким, хулуси ихлосдин ясалди — Ихлосия от қўюлди. Ва бу Ихлосия мадрасаси жанубий ҳаддининг тошидинким, Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг жанубий ҳаддиким, кироғи бўлғон шории омдурким, ул ҳазрат бино қилғон мадрасадинким, ҳар тоқи улви рифъатдин сипеҳри муқарнас равоқиға кунгира еткурубтур ва ҳар гунбази сумузи манзилатдин фалакнинг кўк гунбазидин бош ўткарибдур, ҳар мударриси қошида Муштарийким, олтинчи айвон донишмандидур — омий ва нодон, ва ҳар толиби илми олинда Аторидким, иккинчи суфа мустаидидур — тифли абжадхон, ходимлари суфрасида ой гирдаси ва қуёш қурси икки фатир ва таббохлари тахтасида қаҳкашон шакли ун сепган бир зувола хамир.*

Рубоия:

Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди,
Дарвешу ғани неъматидин шод ўлди,
Бу важҳдин оти Неъматобод ўлди..."

Ҳа, Алишербек ўз асарида завқланиб ёзганидек, бу ҳудудлар айнан Навоий туфайли обод бўла бошлаган.

Яна Навоий Ҳирот аҳлига жабр бўлмасин деб, бир неча бор солиқларни ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Ҳар йили камбағалларга минг дона сарпо туҳфа қиларди. "Макоримул ахлоқ"да қуйидагича келади: *"906 ҳижрий йил бошларида (1500 йилнинг августи) султони соҳибқирон Мозандарон вилоятига ташриф буюрган эдилар. Ҳукумат эгаси амир Муборизуддин Валибек жаноблари номига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажат учун 100 минг динор кепакий ундириб етказиш ҳақида фармон келди. Ул жаноб шу маблағдан 50 минг динорни булукот деҳқонлари ва молдорларидан, қолган қисмини, хона бошига сочиш йўли билан Ҳирот ичида истиқомат қилувчилардан ундиришни хаёл қилди. Лекин бирон ишга давлатли Амирнинг фикрисиз ва маслаҳатисиз қўл урмас эдилар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг ноибларидан бирини чақириб, бу фикр Навоийга етказилди. Ул киши "бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали соҳибқирон давлатига муносиб кўрмаймиз", дедилар ва шу вақтнинг ўзидаёқ мазкур маблағни ўзларининг хусусий пулларидан бердилар. Халқ эса ул ҳазратни дуо қилиб, кўпдан-кўп раҳматлар айтди..."*

Ихлосия мадрасасида шеърий санъатлар бўйича мударрислик қилаётган Бурҳонуддин Атоуллоҳ Ҳусайнийга уч минг динордан ортиққа мадраса яқинидан ҳовли сотиб олиб бериши, Мавлоно Шаҳобуддин Мудаввинга эгар-жабдуқли от инъом этиши ҳам ўша вақтда Ҳиротда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Бундай ишлардан мақсад ўзини тарғиб қилиш эмас, балки иқтидорли одамлар қийналиб юрмай, бор эътиборини ўз касбу корига қаратишлари учун қилинганди.

Ҳотамтой шоир мадраса, масжид, хонақоҳларда яшовчи талабалар, муллаваччa, бева-бечора, етим-есирларнинг ҳам моддий эҳтиёжларини таъминлаб турган. Масжид ва мадрасага ажратилган ерлардан келадиган даромад эвазига талабаларга нафақа, ишловчиларга маош, кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак бериларди. Агар талабалар мадраса ҳужрасида эмас, бошқа жойда истиқомат қилса ёки дарс қолдирса, бошқалар олган пулнинг ярмини беришган. Шу билан бирга, мадраса ва масжидда яшовчилардан ободончилик, тозалик, саранжом-саришталикка қатъий риоя қилиш талаб этиларди. Қиш фаслида қор ёғса ёки теварак-атрофдаги ариқлар балчиқ ва қум билан тўлиб кетса, тозалаш ишларига фаррош, қори, ходимлар жалб қилинган. Баъзида мутавалли, иш кўп бўлса, мардикор ёлланган. Жамоат ишлари учун талабалар дарсдан қолдирилмаган.

Мутавалли Навоий бунёд эттирган ҳар бир мадраса талабалари учун 100 пўстин, 100 тўн, 100 чакмон, 100 кўйлак, 100 тўнбон (чалвар), 100 кавуш улашарди. Шу каби уларнинг уй-рўзғор анжомлари — кигиз, палос, бўйра, ёритқич шамлар учун 400 олтин пул сарфланган.

Саховатпеша ва мурувватли шоир 450 ботмон буғдой, 270 ботмон нон, 30 ботмон чалпак, 110 ботмон ҳолва, 900 товоқ узум шинниси ёки мавизоб, 5 та қорамол, 10 та қўй, 20 ботмону 3 тонналик гўштни ҳам мадрасадагилар учун ажратарди. Бундан ташқари қиш фаслида ҳар куни 20 ботмон (400 кг) нон, 3 тангалик гўшт, агар гўшт топилмаса, гўжа оши пиширтириб турган.

Шу каби вазифадорлар ва талабаларнинг ўзигагина буғдой, арпа ва ошлиқдан ташқари ойига 1300 олтинга яқин маош тайинлаган.

Бор пулини хайру эҳсонга сарфлаган мутафаккир шоир ҳайит кунлари янада мурувватли бўлган. Улуғ айём шарафига 100 ботмон нон ва 50 ботмон ҳолва тарқатилган. Қурбон ҳайитининг биринчи кунида ҳар йили бешта мол, бешта қўй сўйдириб, масжид, мадраса, хонақоҳларга улашилган бўлса, иккинчи куни 20 ботмон гўшт, 20 ботмон буғдойдан тайёрланган ҳалим, 50 ботмон нон эҳсон қилинган.

Навоий "Вақфия" асарининг "Равотиб" бўлимида бундай ёзади: *"Рўза ойида ҳар кеча ўн беш ботмон буғдой, беш ботмон полудаи душобдин ёки мавизобдин ўттиз табақ, масолиқ — улча эҳтиёж бўлғай".*

Шунингдек, Халосия хонақоҳида ҳар куни мингдан ортиқ фақирлар учун овқат пиширилган. Ҳар йили муҳтож мискинларга икки мингта пўстин, босма чакмон, қўйлак-иштон, тоқия ва ковуш улашилган. Машҳад шаҳридаги Имом Ризо боғида эса муҳтож, заиф ва етимларга таом тайёрлаб бериладиган иморат, Дорул ҳуффоз барпо қилдирган.

Навоий ҳазратлари ўзи қурдирган иншоот усталарини ҳам тақдирлаб борган. "Макоримул ахлоқ"да Хондамир бундай ёзади: *"... ушбу жаннатмисол масжидни безаш ва пардозлаш ишлари поёнига етгандан кейин, 905 йил шаъбон ойининг ўн тўртинчиси чоршанба (1500 йил 13 март) куни тадбир эгаси Амир Алишер ош тортиш маросимини ўтказиб, хатиб, имом воизлар, қорилар, мутаваллли, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чақирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб 100 кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло тикилган чакмонлар ва бошқа хил либослар билан безатилди.*

Шундан кейин бу табаррук мақомнинг томи юзасини мустаҳкамлаш ва чидамлилигини оширишга ишора қилди. Иморат ишчилари асбоб-ускуна тайёрлаш, усталар эса уларни ишга солишга киришиб, бир оз вақт ичида сони тахминан ўн тўрт жериб миқдордаги бино томларини икки қаватли қилиб ёпиб, устини сомонли лой билан сувадилар, кўнгилни бу ишлардан батамом фориғ қилдилар. Шу пайтда ҳидоятли Амир яна бир тўй керак-яроғини ҳозирлаш тўғрисида қайта-қайта фармон берди. Фармонбардорлар бу ишга машғул бўлиб, чақириққа 50 бош қўй ва 9 бош от сарфладилар..."

Хондамир шу асарининг бошқа бўлимида яна бир бор Навоийнинг хайр-саховатини қаламга олади: *"Ул ҳазрат Навоий мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталари (1499 йил март ойи охири) да яна бир бор фахрли шаҳар Ҳиротни ўзининг муборак чеҳраси билан нурга тўлдирди. Шу сабабдан машойих, сайиид ва олимлардан тортиб, барча аҳоли ва фуқаро ғоятда шоду хуррам бўлдилар. Шу аснода ҳидоятли Амирнинг кўнгли Ансория остонасида катта йиғин қилиб, Ҳирот шаҳри улуғларини меҳмон қилишни, улардан фотиҳа сўрашни тилаб қолди. Мулозимлари чақириқни тартибга солиш ишлари билан шуғулланиб, 75 қўй, 20 бош от ва 30 ботмон қанд сарфладилар. Бошқа харжларни шунга қиёслаш лозим..."*

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкиратуш шуаро" китобига кўра, Амир Алишернинг вақф иншоотларига сарф бўлган харажати 500 туманни ташкил этган.

Ҳусайнқулихон Азимободийнинг "Наштари ишқ" асарида ёзилишича, *"қарийб 12 минг киши Навоийнинг ҳомийлиги остида тарбия қилинган"*. Булар, менимча, улуғ шоирга қарашли мадрасаларда таҳсил олиб, Алишербекнинг мурувватидан баҳра олган толиби илмлардир.

Бу саховатпеша зот эли учун шу даражада фидойилик қилдики, мурувват истаб келган ночор фуқаро, масжид, мадраса, хонақоҳда яшаётган кишилар ёзда чанг, қишда лойда қийналмасин деб йўлларга тош ҳам ётқиздирган.

Навоий ҳазратлари бойликларини элу юрт манфаати учун оғринмай сарфлаган, бошқа мулкдорларни ҳам ҳимматга чорлаган. Бу ҳақидаги мулоҳазаларини "Маҳбубул қулуб" асарида баён этган: *"Сахийлик кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёсининг асл гавҳаридир. Саховатсиз эр ёғинсиз баҳор булути ва ҳидсиз мушки тотордир. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир ва ёғинсиз булут ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади. Дурсиз садаф билан ўлиб қуриган тошбақанинг қандай эътибори бор?.. Сахий булутдир, иши хирмон, балки хазина бермоқ, бахил эса чумолидир, одати дон ва машоқ термоқ. Ҳимматлиларнинг ихтисоси сахийликдир, бу икки шарафли сифат покиза кишиларга хосдир. Сахийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони; ҳимматлилардан дунёга юз минг кушойиш бўлур. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, жонсиз баданни киши тирик демас. Олийҳиммат қарчиғайдир баландпарвоз, беҳиммат сичқон овчидир худди йўртоқи тоз. Шунқорнинг ўрни шоҳнинг қўли, йўртоқининг жойи ўликнинг сассиқ бадани ва сўнгаги.*

Арслон иши ов қилиб йиртқич ҳайвонларни тўйғизмоқ, сичқон ҳаракати ақча ўғирлаб, тугун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси қашшоқлик билан тубан тушмас: ҳимматсиз хазина топса, буюклар билан тенг бўлмас. Чинорнинг бўш қўллигидан унинг юксаклигига қандай нуқсон келади, тупроққа эса яширин хазиналари билан қандай шараф ва шон ҳосил бўлади, ҳимматлиларнинг агарчи даражаси юксакдир, аммо сахийликнинг мартабаси бир қанчадир. Исрофгарчилик сахийлик эмас, бемаъни совуришни одамлар сахийлик демас. Ҳақ молини куйдирганни девона дерлар, ёруғ кунда шам ёққанни ақлдан озган дерлар. Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир. Кишилар кўрмагунча бермаган пасткашдир, сахий эмас. Тиланганга берганни ҳам сахийликдан йироқ бил, қистов билан берганда бермаганни яхшироқ бил. Битта нонни икки бўлиб, ярмини бир очга берганни сахий дегил, ўзи емай барини муҳтожга берганни ахий — дўст дегил".

Хуллас, Навоий ҳазратларининг бойликлари, уларнинг тўғри ва оқилона сарфланиши ҳар бир давр учун ибратли ҳолатдир. Шу боис Навоий номи фақат шоир ва давлат арбоби сифатидагина эмас, мулкдор, маърифатли тадбиркор,саховатпеша инсон сифатида ҳам тарихда қолди.

Умид БЕКМУҲАММАД,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРСИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Ёшлар овози” газетаси ҳамкорлигида ушбу таҳририят ҳузуридаги “Ёш журналистлар” маҳорат мактаби тингловчилари учун “Оммавий ахборот воситаларида воқеликни ёритишда касб этикасига риоя қилиш масъулияти” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган ушбу тадбирда “Ёш журналистлар” маҳорат мактаби тингловчилари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан медиа соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, Ўзбекистон журналистларининг касб этика кодекси, соҳага оид қонунчилик ҳақида аниқ мисоллар асосида сўз юритди.

Тадбирда қатнашган Уюшма қошидаги Ёш журналистлар кенгаши раиси Шуҳрат Ориф маҳорат мактаби иштирокчиларига ўз тажрибалари ҳақида гапириб берди, журналистлар доимий риоя этиши лозим бўлган масалалар, “Устоз-шогирд” анъанаси хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бугунги семинар-тренинг журналистика соҳасига энди кириб келаётган, биз — ёшлар учун жуда қизиқарли бўлди, — дейди “Ёш журналистлар” маҳорат мактаби тингловчиси Темур Фарҳодов. — Унда холислик, ҳаққонийлик, адолат, фикрлар хилма-хиллиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат қоидалари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдик.

Эркин мулоқот тарзида ўтган семинар-тренингда маҳорат мактаби тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

ИСТЕЪДОДЛИ ЖУРНАЛИСТ БИЛАН УЧРАШУВ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида “Жеткиншек” газетаси масъул котиби, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Дариха Уббиниязова билан ижодий учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда “Ёш журналистлар” тўгараги раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент Зияда Қожиқбаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳудудий шарҳловчиси Давуд Абибуллаев, журналистика факультети доценти Даўлетбай Бекбаўлиев ва бошқалар сўзга чиқиб, бугун 60 ёшни қаршилаган истеъдодли журналист ва ажойиб устоз Дариха Уббиниязованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон болалари ва ўсмирларининг “Жеткиншек” газетасида масъул котиб вазифасида фаолиятини давом эттирмоқда. Д.Уббиниязованинг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган “Болалар учун ҳикоялар” китоби чоп этилган.

Журналистика соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшиш билан бирга, кўплаб шогирдлар тайёрлаб келаётган журналистнинг кўп йиллик меҳнатлари эътироф этилиб, 2017 йили “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” унвони билан тақдирланган.

Ижодий учрашув давомида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати

БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

1-б.

Ёш, қизиқувчан эмасманми, муҳарририят топшириқ билан қаёққа юборса, ўша жойдан эшиттириш тайёрлаб келар, эшиттириш ҳеч бир қийинчиликсиз эфирга узатиларди. Мели аканинг оғир, вазминлик асосида тажрибаларини ўртоқлашишлари, куюнчак, ҳаммага бирдек меҳрибон Азиз аканинг чин дилдан берган маслаҳатлари, Муҳаммаджон аканинг доно ўгитлари, Ҳафиза опанинг меҳрибонликлари, эшиттиришга келган болажонларни ўз болаларидек кўриб, куйиб-пишиб, суйиб ёрдам беришлари ҳали-ҳали ёдимда. Бу ажойиб ижодкорлардан бир ой ичида кўп нарсаларни ўргандим. Радионинг ўзига хос, ажойиб хислатлари, бағрикенг, ижодкор инсонлар меҳрини илк бор шу даргоҳ, шу муҳитда ҳис этганман.

Ёзги амалиёт кўнгилдагидек ўтди ва шу-шу радиога боғланиб қолдим ва радио эшиттиришларига доимо қатнашиб турадиган бўлдим. Тайёрлаган эшиттиришларим нафақат “Болалар ва ўсмирлар бош муҳарририяти”, яна бошқа муҳарририятлар орқали ҳам эфирга берила бошлади. Деярли ҳар ҳафтада радиохабар, радиолавҳа, радиоочеркларим “Ўзбекистон” ва ўша пайтдаги “Машъал” (ҳозирги “Маҳалла”) радиоканалларининг “Ахборот” информацион дастури, “Қишлоқ ҳаёти” эшиттиришларида бериб бориларди. 1984 йил ташкил этилиб, ҳозиргача фаолият юритаётган, тингловчиларнинг севимли эшиттиришига айланган “Оқшом тўлқинларида” ахборот-мусиқий дастурида, шу йилларда ташкил этилиб, анча “шов-шув”ларга сабабчи бўлган “Қармоқ” сатирик радиожурналида ҳам мунтазам қатнашиб турганман. Радиода ишлайдиган хоҳ оддий ходим, муҳаррир ёки раҳбар бўлсин, уларнинг табиий ва самимийлиги, бундаги ижодий муҳит мени доимо ўзига тортар, шунинг учун бу даргоҳ мен учун қадрдон бўлиб қолган эди. Бу ерда моҳир радиожурналистлар, ўз соҳасини яхши биладиган ижодкор инсонлар билан танишдим, уларни устоз, деб этакларидан тутдим ва билмаганларимни ўргандим.

2000 йилнинг кузидан “Ўзбекистон” радиоканалининг “Ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар” бош муҳарририятида ўриндошлик асосида ишга кирдим, бу энди мени қадрдон радио билан ижодий алоқаларимни янада мустаҳкамлади. Бошланишида журналист Алишер Назар билан “Газеталар шарҳи”ни олиб бордик. 10 дақиқалик бу эшиттиришда республика газеталарининг янги сонларини қисқача шарҳлар эдик. Бир муддат ўтиб, энди газеталарни ўзимиз навбатма-навбат мустақил шарҳлашга ўтдик. Эшиттириш эфирга жонли узатилар, табиийки, бу анча масъулиятни талаб қилар эди. Шу орада менга шу муҳарририятдан — “Талқин” номли янги эшиттиришни тайёрлаш топширилди. 15 дақиқалик муаллифлик эшиттиришининг асосий мавзуси миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи эди. Эшиттириш ҳафтасига бир марта эфирга узатилар, жиддий эшиттириш бўлгани боис, муҳарририятга, асосан, таниқли тарихчи, файласуф олимларни таклиф этиб, улар билан мавзу юзасидан қизиқарли суҳбатлар уюштирардим. Бошланишида бирмунча қийинчиликлар ҳам бўлди, аммо аста-секинлик билан ҳаммаси изга тушиб кетди. Бу муҳарририятда Барно Ражабов, Исоқхон Ғозиев, Маҳкам Рисқиев, Абдуҳамид Ҳабибуллаев, Саидмурод Тиллахўжаев, Муяссар Саидхонова, З.Тошхўжаева, Мухтор Муродов каби тажрибали радиожурналистлар бир тан, бир жон бўлиб ишлар эди. Кейинчалик Б.Ражабов “Ўзбекистон” радиоканали эшиттиришларининг бош директори лавозимига ишга ўтди.

Одатда, ҳар бир эшиттиришнинг мазмуни, ўрни, ҳозирги тил билан айтганда, рейтингини белгилайдиган омил — унга билдириладиган муносабатлар, жамоатчилик фикри бўлади. “Газеталар шарҳи”, “Талқин” эшиттириши ҳақида муҳарририятга тингловчилардан хатлар келар, телефон қўнғироқлари бўлиб турарди. Уларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кейинги эшиттиришларнинг янада мазмунли, таъсирчан бўлишига ҳаракат қилар эдим. Кунлар кетидан кунлар ўтди, эшиттиришларим кетма-кет эфирга узатиларди. Айтиш керакки, доимо устозлардан маслаҳатлар сўраб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, эшиттиришларга сингдириб боришга ҳаракат қилардим.

Шу ерда омма орасида телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кенг тарғиб қилган, том маънода, соҳа ходимлари, айниқса, ёш телерадиожурналистлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган “Садо” газетаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Газета Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси муассислигидаги нашр бўлиб, ҳафтада бир марта чиқарди. Газетага Ўзбекистон радиосининг тарихи, радиоэшиттиришларнинг тараққиёт босқичлари, радио жанрлари, замонавий радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ҳақидаги мақолаларим билан мунтазам қатнашиб турдим. Газетада 30 га яқин илмий-оммабоп мақолаларим босилиб чиқди ва газета ўқувчиларининг бу мақолаларга илиқ фикрлари билдирилган мактублари келиб турди. “Садо” нафақат соҳа мутахассислари, шунингдек, кенг омма томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилар, унинг саҳифаларида босилган мақолалар ҳақида газета таҳририятига ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари келиб турарди. Бу муносабат, таклифларни ҳисобга олиб, газетанинг кейинги сонлари учун янги-янги мавзулардаги қизиқарли мақолалар ёзишга ҳаракат қилардик. “Садо” газетаси ҳам ҳаётимда ўзига хос бир мактаб бўлган десам, ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Ҳали кечагидек эсимда, 2005 йил эди. Мен фаолият юритаётган бош муҳарририят раҳбарияти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ўтказиладиган “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танловига биз ҳам эшиттиришларимиз билан қатнашишимиз лозимлиги ҳақида топшириқ берди. Мен “Талқин” муаллифлик эшиттиришимдан намуналар ва яна талаб этиладиган ҳужжатларни тайёрлаб, ҳайъат комиссиясига топширдим. Август ойининг охири эди, телефонда ўзини кўрик-танловнинг котиби деб таништирган йигит эртага Алишер Навоий кўчасидаги “Миллий матбуот маркази” биносида тадбир бўлиши, шунда мен ҳам қатнашишим кераклигини айтди. Айтилган вақтда етиб бордим. Анча-мунча одамлар йиғилган ғала-ғовур залдаги ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдим. Кўп ўтмай, тадбир бошланди. “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танловининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов давранинг тўрида ўтирган экан. Тақдирлаш маросими бошланди. Кўрик-танлов ғолибларининг исм-шарифлари эълон қилиниб, саҳнага таклиф қилинар, Абдулла ака эса уларни самимий қутлаб, диплом ва мукофотлар топширар эди.

Бир пайт микрофондан менинг фамилиям ўқилди, қулоқларимга ишонмадим. Бироз нафас ростлаб, саҳнага йўл олдим. Абдулла ака мени самимий қутлаб, қўлимга 1-даражали диплом ва мукофот топширди. Бу республика кўрик-танловининг энг яхши радиоэшиттиришлар номинацияси бўйича биринчи ўринга муносиб кўрилган ғолиблик дипломи ва совғаси эди. Кейинги йил эса “Талқин” эшиттириши республика “Маънавият ва маърифат” марказининг энг яхши мукофоти билан тақдирланиб, “Маънавият фидойиси” фахрий ёрлиғи ва совға олишга сазовор бўлди.

2016 — 2017 йиллар давомида “Toshkent” радиоканалида “Газеталар шарҳи” ва “Маҳорат мактаби” муаллифлик эшиттиришини олиб бордим. Газеталар шарҳи яна яхши эшиттиришлар сирасига кирди. “Маҳорат мактаби” эшиттириши лойиҳасини таниқли журналист Дилшод Бўриев билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширдик. Эшиттиришга талаба-ёшларни таклиф қилиб, уларга журналистика бўйича сабоқ берилар, тўғрироғи, университетда олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб, мустақил радиоэшиттириш тайёрлашга ўргатар эдик. Эшиттиришнинг бир неча сони эфирга чиққач, пойтахт олий ўқув юртларининг журналистикага қизиқадиган кўплаб талабалари радиога кела бошлади. Ёш йигит-қизлар уриниб, анча-мунча қийналиб (ҳали тажриба етишмасди-да) эшиттириш тайёрлашар, эшиттириш эфирга кетгач, қувончдан кўзлари порлаб, бир-бирларини қутлашар, уларнинг юз-кўзларидаги шодликни кўриб, биз ҳам хурсанд бўлар эдик.

Радио нафақат менга ҳаёт мактаби бўлди, шунингдек, издошим, кенжа қизим — радиожурналист Дилшоданинг ҳам келажагини белгилаб берди. Дилшода дастлаб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бакалавриатини “аъло” баҳоларга якунлади, кейин эса Ўзбекистон Миллий университетининг магистратурасини муваффақиятли тугатди. У ёшлигидан “Келажак тонги” (олдинги “Пионер эрталиги”) эшиттиришига қатнашар, олий ўқув юртини битиргунига қадар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш борасида анча-мунча амалий кўникмага эга бўлган эди. Ўқишни битиргач, республика радиосининг “Ахборот” информацион эшиттиришлар бош муҳарририятига мухбир лавозимига ишга қабул қилинди. Ёш журналист ўзининг долзарб мавзулардаги мазмунли ва қизиқарли эшиттиришлари билан радио раҳбарияти ва тингловчилар эътиборига тушди. У эшиттириш диктори бўлиб ҳам ишлади ва меҳнатлари муносиб тақдирланиб, радиоэшиттиришлар номинацияси бўйича бир неча танловлар соҳиби бўлди. Дилшода Ҳамдамова ҳозирда Ўзбекистон радиоси эшиттиришлари бўйича илмий ишини якунлаб, фан доктори диссертация ҳимоясига чиқиш арафасида турибди.

Очиғи, ушбу сатрларни ортиқча уринмасдан, завқ билан қоғозга тушираяпман. Чунки, Ўзбекистон радиоси мен учун катта ҳаёт мактабини ўтаган, қолаверса, мен қизиққан соҳалардан бири эди. Вақтни тизгинлаб ёки тўхтатиб бўлмас экан, радио билан яқин ҳамкорлигимиз бошланганига ҳам қарийб эллик йил бўлибди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаларига радиоэшиттиришлар бўйича ҳам сабоқ бераман. Радио уйига ҳар борганимда, факультетимизда ўқиган собиқ талабаларим, шогирдларимни кўрсам, кўнглим тоғдек кўтарилади. Самимий алпозда ҳол-аҳвол сўрашади, ҳурматимизни жойига қўйишади. Меҳнатларимиз зое кетмаганлигидан хурсанд бўламан, уларнинг камоли, ижодий ютуқларини кўриб, эшитиб, бошим кўкка етади, ич-ичимдан фахр туяман.

Пойтахтимизнинг Хоразм кўчасида жойлашган Ўзбекистон радиоси уйи мен учун қадрдон даргоҳ бўлиб қолганига ҳам қарийб ярим аср бўлибди. Эҳҳе, орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Кимлар келиб, кимлар кетмади. Бу даргоҳда қанча-қанча булоқлар кўз очди, улар йиғилиб-йиғилиб, шўх сойлар, шарқираб оқадиган дарёларга айланди. Бу дарёлар эса ҳар куни миллионлаб одамларни маънавият чашмасидан баҳраманд этиб, уларнинг қалбларига фақат яхшилик, эзгуликни сингдирган ҳолда, хонадонларига яхши кайфият, қувонч ва завқ-шавқ олиб кирмоқда.

Ҳар гал радио биноси жойлашган кўчадан ўтганимда, ҳаяжондан юрагим ҳаприқади, серзавқ, жўшқин, беташвиш ёшлик даврларим ёдга тушади. Беихтиёр ўша доимо одамлар билан гавжум, сершовқин, файзли даргоҳдаги оддий, камтарин, самимий инсонлар билан ёнма-ён ишлаганимни эслайман. Устозларнинг тиллога тенг ўгит ва фойдали маслаҳатлари ҳали-ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради. Менинг ҳаёт йўлимни танлаб олишимга сабаб бўлган, касбни эъзозлаш, унга садоқатли бўлишга ўргатган, устозу шогирдлик анъаналарининг бардавом бўлишига сабаб бўлган қадрдон масканга, қолаверса, касбини жону дилидан севган, борига шукур қилиб яшаб, ҳаёти мазмунини доимо яхшилик ва эзгуликдан иборат деб билган оқибатли, бағри кенг устозлар олдида доимо таъзимдаман.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари доктори.

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

ЁЗАДИГАН ПАЙТЛАР КЕЛДИ

Дунёда нима кўп — касб-ҳунар кўп. Бу хусусда сўз очилса, ҳамма ўзи танлаган, ризқ-насиба топаётган касбнинг машаққати, бирор натижага эришиш учун узоқ йиллар тинимсиз елиб-югуришга тўғри келиши, кўп ҳаловатлардан кечишга мажбурлиги ҳақида гапиради. Неча минг йиллик касб эгалари ҳам, кейинги қирқ йил ичида дунёда пайдо бўлган уч юздан ортиқ янги замонавий касбларни эгаллаб, янгича шароитларда жавлон ураётганларнинг фикрича ҳам шундай. Ҳамма касбнинг нони қаттиқ. Ҳамма касб тинимсиз меҳнат, излаш-изланиш, ҳамкасблардан бироз олдинда бўлиш, сезгирлик, кузатувчанликни талаб этади. Айниқса, журналистика...

Олимлар журналистикани касб эмас, ижодий фаолият тури, ижтимоий вазифа деб ҳисоблашади. Буни рад этиш қийин. Аммо бизда устоз, малакали муаллим мақомига етган, ўзига хос маҳорат мактабларини яратган шундай ҳамкасбларимиз борки, улар мухбирлик, муҳаррирликни шарафли касб, тақдир, ноёб иноят даражасига кўтаришган. Ижод умрининг кўп қисмини муҳаррирликда ўтказган ва бундан ҳаловат топган Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Зулфия, Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов, Исмоил Сулаймонов, Аҳмаджон Мухторов, Эркин Аъзамов, Абдусаид Кўчимов, Жаббор Раззоқов, Муҳаммаджон Обидов, Абдулла Пўлатов, Ҳабибулла Олимжонов каби устозлар мисолида бемалол шундай дейиш мумкин. Бошқача дейиш ўринсиз. Уларнинг ҳар бири бошқаларникига ўхшамайдиган ўз “из”ларига, санъат тили билан айтганда, созу овозларига эга.

Бу мутлақо тўла бўлмаган рўйхатда самарқандлик муҳаррир Фармон Тошев ҳам бор, албатта. Унинг ижод умри, ўй-хаёллари, илҳом булоқлари, қувончу ташвишлари вилоят газеталари орасида анча йиллардан бери карвонбошиликни қўлдан бермай келаётган “Зарафшон” газетаси, шу жамоада, унинг атрофида ижодкор сифатида шаклланган, шаклланаётган ёш қаламкашларнинг айтса айтгулик, ёзса ёзгулик ютуқлари, борингки, тақдири билан бевосита боғлиқ, десак муболаға бўлмайди.

Рус адабиёти танқидчиларидан бирининг: “Бизнинг адабиётда дунё даражасида эътирофга арзийдиган, бошқа тилларга ўгирса бўладиган пишиқ-пухта асарлар кўп яратилган, аммо улар бепарволигимиз боис изсиз қолиб кетди”, деган фикри бор. Бу гап ижодкорликнинг жамики йўналишларига ҳам тааллуқли. Бугун ҳатто оддий мухбирлик билан ҳам эл-юртга танилган касбдошларимизнинг ютуғи шундаки, уларнинг илк ижод қораламаларига кимдир эътибор берган, ютуқ-камчилигини кўрсатган, касбимизга хос сир-синоатлардан бохабар қилган. Бу гап бошқалар қатори менга ҳам тааллуқли. Журналистиканинг не-не синовларини ортда қолдирган устозлардан касб дарсликларида йўқ кўп сабоқлар олганман. Бир суҳбатда “Муҳаррир таҳририятга минг хижолат билан, ийманиб-тортиниб кириб келадиган ёш ҳаваскорнинг биринчи уринишини қайтармаслиги керак”, деган эдим. Кейин амин бўлдимки, Фармон Тошевнинг муҳаррирлик услубида ҳам бу фазилат бор экан. Бунинг натижасида — “Зарафшон” газетаси вилоят ижодкорларининг чинакам ижод мактабига, маҳорат дарсхонасига айланди. “Зарафшон”чилар орасидан кўплаб муҳаррирлар, истеъдодли публицистлар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди.

Ушбу сатрларни қоғозга туширар эканман, “Зарафшон” саҳифаларига яна бир марта кўз югуртираман. Эълон қилинаётган мақолаларда мавзу ва жанрлар хилма-хиллиги, таҳлил ва талқиндаги ўзига хослик ва, айниқса, бугун кўп нашрларда етишмаётган журъат яққол кўзга ташланади. Газета ўз сўзининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига бефарқ эмас. Айни шу нарса муҳаррирнинг иш услуби сифатида “Зарафшон”ни бошқа газеталардан ажратиб туради.

Нима демоқчиман? Бугун журналистика назарияси билан шуғулланувчи мутахассислар орасида ғаройиб бўлиниш пайдо бўлди: ғарблик мутахассислар матбуот танқидий мақолани эълон қилса бўлди, унинг натижаси билан қизиқиши шарт эмас, бу иш билан бошқалар шуғулланиши керак, дейишади. Бу қараш танқиддан юраги пўкиллайдиганларга мойдай ёқади. Биз бўлсак, йўқ, матбуот ўз сўзи, журналистнинг машаққатли меҳнати қандай натижа берганини эълон қилиши, танқид эътиборсиз қолаётган бўлса, мавзуга яна ва яна қайтиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шундай ҳисоблагичларнинг бошида муҳаррир Фармон Тошев туради. Унинг қаламига мансуб тишли-жағли мақолаларда қуруқ мақтов, ҳамду сано деярли учрамайди, аксинча, чуқур, профессионал таҳлил, камчиликларни рўй-рост кўрсатиш, ишёқмасларни номма-ном айтиш, газетхонни фикр-мулоҳазага ундаш устуворлик қилади. Бунга эришиш осон дейсизми? Газета муҳаррирлиги юмшоқ креслода қўр ташлаб ўтириш эмас. Елиш, югуриш, вилоятнинг қон томирлари қандай ураётгани, нафас олаётганидан хабардор бўлиш, масъулияти турлича бўлган тепса тебранмас тўра-ю ҳаваскор тўрачалар билан юзма-юз келиш, уларга гап ўқтириш, баҳслашиш, энди-энди урчий бошлаган, илдиз отаётган иллатларни сезиш ва олдини олиш ҳаракатларини бошлаши керак.

Бугун газета ёки журнал жамоасига бошчилик қилиш учун ижодий иқтидордан ташқари, раҳбарлик, ташкилотчилик, уюштирувчилик қобилияти, мулоқот маҳорати ҳам бўлиши керак. Муҳаррир ҳар бир ходимнинг қизиқиш йўналишини яхши билса, уни меҳнат натижаларига қараб рағбатлантирса, самара, шубҳасиз, бўлади. Фармон Тошев жамоа аъзоларини тарбиялаш билан бирга, “Зарафшон”дан учирма бўлган кўплаб ижодкорларнинг бошқа жамоалардаги фаолияти, ҳаёти, ютуқлари, ижоди, ижодий танловлардаги иштироки билан ҳам қизиқади. “Зарафшон” ҳомийлигида чоп этилган ўнлаб шеърий, насрий, публицистик тўпламларни варақланг, бунга сиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Фармон Тошевнинг ўз ўқувчиларига тортиқ қилаётган ушбу тўпламларидан жой олган мақолаларнинг ҳар бирида бугунги куннинг хуш-нохуш манзараларига дуч келасиз. Кўпни кўрган отахонлар бор гапни борлигича айтишади: *“Мустақиллик ҳар ким ўз ҳолича, бир-биридан узоқлашиб яшаши керак дегани эмас. Ҳайронман, газетачилар нега жим? Бонг урмайсизларми?! Бирлашиб яшаш керак, ҳамма ўз-ўзини уддаласин дегани. Қайси ёш оилага қараманг, алоҳида яшайман, дейди. Боланинг эрки унинг алоҳида яшаши билан белгиланмайди. Шаҳарда ошхона, машина тузатиш устахонаси кўпайгандан-кўпайди. Чиқиндини қайта ишлашни ўйламайди. Қишлоқларда арава ясайдиган устахона борми? Йўқ! Чунки унинг меҳнати оғир. Кўплар ишламай, пешонани терлатмай даромад топса-да!”*

“Орият” деб номланган мақоладан иқтибос: *“Бу не қиёмат қойимким, ота деган зот ўзини ўйлаб, фарзандларини бир-бирига тезлаб турса?! Ота деган зот ўғлининг тарбиясизлигидан маҳаллага, давлат идорасига пешма-пеш арз қилса?! Бу не бедодликким, ота ўз фарзанди билан аёл талашса?!”*

Тўпламдан жой олган мақолларнинг мазмунига тўхталиб ўтирмайман. Зийрак ўқувчи уларни ўқир экан, муаллифнинг муаммоларни кўра олиш қобилияти-ю, ёзувда акс эттириш маҳоратини аниқ сезади. Саидризо Ализода, Аҳмаджон Мухторов, Анвар Жўрабоев, Акбар Нарзиқулов каби фидойи инсонлар хотирасига бағишланган эсселарни соғинч ҳисси билан ўқийди. Улуғ ёшга етса ҳам ижод майдонида фаоллик қилаётган Фармонбойнинг Сўз қудратига доир қалб кечинмаларига дуч келади:

“Қулоқнинг эшитганини тил элга ошкор қилади. Жабрини юрак тортади”.

“Сўз иболи келинчакка ўхшайди. Уни асрашнинг бирдан-бир йўли кўз-кўз қилмай, кўнгилда сақлашдир”.

“Сўз — кўнгил сирларидан воқиф дўст. Агар у оғизга кўчса, душманга айланиши ҳам мумкин”.

“Муомала шиша идишга ўхшайди. Унда инсоннинг ички дунёси кўриниб туради”.

“Сукут камтаринлик, аммо у лоқайдлик белгиси бўлиши ҳам мумкин”.

“Ширин сўз бўл, аммо ширинсўзлардан эҳтиёт бўлганинг маъқул”.

“Тушунмайдиган одам йўқ, тушунтиролмайдиганлар бор”.

“Башараси қийшиқ одамга ёқмоқчи бўлсанг, унга қийшиқ ойна тут”.

Бу қуйма фикрлар ҳар кимга ҳам келавермайди. Уларнинг ҳар бири таг-замирида беҳаловат умрнинг ибратли, ҳавас қилса арзигулик излари, ҳосила-ҳулосалари бор. Фармон Тошев ҳамиша эл ичида, юрт шаъни ва ғурури қайғусида яшайди. Кимгадир тўғри йўлни кўрсатишдан, кимнингдир оғирини енгил қилишдан ҳаловат топади. Топган-тутганларини китобларига жо қилиб, ёшларга узатади. “Зарафшон зарварақлари” бутун мамлакатга ёйилади. Мураккаб вазиятларда ўзини ижодкор, масъул лавозим эгаси сифатида эркин ва дадил тутади. Катта давраларда, кичикроқ йиғинларда, баҳсли вазиятларда айтадиган сўзи ва фикри бор. Кузатувда, таҳлилда пешқадам. У бундай даражага роса эллик йиллик заҳматли меҳнати, изланиши боис эришди. Эришган ютуқларига бевосита гувоҳ бўлганимдан хурсандман. Ёзадиган пайтлар келди, дил тубига инган туйғулар, катта ҳаётий тажриба юзага чиқиши керак. Ижод шиддатини бўшаштирманг, муҳтарам касбдош.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ

КОРИЗ – ҚУДУҚЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Ақл, тафаккурга суяниб кориз тизимини барпо этиб, ундан оқилона фойдаланишнинг уддасидан чиққан аждодларимиз ортиқча сарф-харажатсиз тўқ ва фаровон яшашни ўйлаб топганлар. Бу топилма хорижликларни ҳам ҳайрат бармоғини тишлашга мажбур этади.

…Нуротага, нуроний тоғлар минтақасига саёҳат чоғида қадам-бақадам сирли ва улғу бўлгулик воқеаларга рўбарў келдим. Алҳол, эртаклар, ривоятлар ва афсоналарга сероб қадим гўшада Нурбулоқ чашмасидан осмону фалакка кўтариладиган нур бор десалар, эҳтимол ишонмассиз. Нурота тоғ тизмаларининг узвий бўлаги саналмиш Оқтов ва Қоратов бағрида қад керган воҳа азал-азалдан табиатга пайванд маъволардандир. Бу юрт одамлари мағрур, қалблари фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Борди-ю ҳангомалашсангиз, киндик қонлари томган эл ҳақидаги нақлларни, осори-атиқаларни, ривоятларни, эртакларни, қолаверса, Нурота халқи удумларини, феъл-атворларини оғзидан бол томиб сўзлайдилар. Бунда, шубҳасиз, туққан ерига меҳр туйғуси жилваланаверади. Рости, Ўзбекистон аталмиш улуғвор ва азиз Ватандаги бир гўзал масканни, ўзбек халқи орасидаги нуротачалик инсонлар қиёфасини ҳадеганда эсдан чиқаравермайсан.

Улуғвор ва маҳобатли тоғлар, дашт, бир томони Қизилқум чўлига, қудуқ ва баҳорги сойлар сувига ишониб умргузаронлик қиладиган Нурота воҳаси аҳлига ҳеч маҳал осон бўлмаган. Бунга сувсизликдан азоб неккан қир-адирлар, бир қарич бўлиб, ҳосил кўтаролмай қовжираган буғдойзорларни кезиб, эл-улусга нон, ризқ-рўз тилаган одамлар оҳини, ноласини тинглаганимда амин бўлганман. Айтганча, сал бўлмаса хаёлдан фаромуш бўлаёзибди. Йигирма биринчи асрнинг бошларида Нурота сурункасига етти йилдан зиёд вақт давомида қурғоқчиликдан азият чекди. Бунинг нима эканлигини сув, обиҳаёт каналу ариқларида оқиб, кафтдек текис пахтазор ерларга, боғу роғларга ўз йўналиши, майли, “оёғи билан” етиб борадиган воҳалар аҳли тушунмаслиги, илғамаслиги, билмаслиги мумкин.

Қайноқ ёз. Чилла кирган. Қуёш бобо ҳавони тандир мисоли қиздирган. Унинг кучли нурлари дашт ва чала дашт ҳудудларни, туянинг ўркачини эслатувчи тўлқинсимон азамат қир-адирларни, текисликларни қовжиратиб, сўллайтириб ташлаган кезлар. Шундай кунлардан бирида Нуротага йўл олдим. Навоий шаҳри марказидан юрган улов саксон чақирим йўл танобини тортиб манзилда ҳозир бўлди. Навоийдан шимоли-шарқда, Самарқанддан эса икки юз эллик олти чақирим шимоли-шарқда қад керган, бир-бирига томчи сувдек ўхшаш, эгизак Оқтов ва Қоратов этаги Нурота, Навбаҳор, Конимех, Қизилтепа, Хатирчи, Қўшработ, Ғиждувон туманлари сарҳадларига туташиб кетади. Ажабланарлиси, Нуротанинг шимоли Айдаркўл, Қизилқум чўлига ҳамда Қарнабтоғ этакларига бориб тўхтайди. Нуротанинг маркази ва жанубий қисми маҳобатли ва мўъжизаларга кон Оқтоғ тизмалари ва улар ўртасидаги ботиқлар билан ўралган. Воҳа қишлоқлари Гумсой, Оқсой, Фангатсой, Новкатсой, Оқчобсой, Орасой ва бошқа табиий сув манбаларидан оби ҳаётга бўлган чанқоғини қондиради. Аслида бу диёр тоғлар қуршовида. Шунинг учун қалъалардек мағрур тоғлар воҳани оғушига аллалайди. Булар сирасида Оқтоғ, Қоратоғ, Бахил тоғ, Қароқчи тоғ каби тоғлик

ва зирвалар силсиласидан иборат Нурота тизма тоғлари Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғини кўрсатиш мумкин. Қизиғи шундаки, Нурота тизмаларидан мустақил дарё бош олмайди, сойлар, асосан, Зарафшон воҳасига ва Қизилқум кенгликларига оқиб тушади. Фақир тоғлардаги жилғалардан пастликка энувчи шалола сувларни мангу ҳаёт тимсолига ўхшатган бўлардим. Азамат қир-адирларга, баланд тоғнинг ясси бағрига, ҳовли томларига, бўғотларига, қовжираган буғдойзорларга қуёш нурларини саралаб-саралаб сочади, таратади. Ҳансираган дала-ёбонлар ҳовуздек жойда бўлса ҳам гўё ўтлоқлардагидек ям-яшил, зумрад ўтлоқлар рангини ўзига сингдирган сув рангини орзиқиб, интиқ соғинади. Зеро, сув, обиҳаёт она заминга, тириклик оламига қайта ҳаёт бағишловчи, заминни гуллаб-яшнатувчи, гўзаллик, нафосат бағишловчи хилқат бўлиши баробарида уруш ва низолар олдини олувчи, меҳр-муҳаббат, осойишталик ато этувчи сеҳрли кучдир. Боз устига тупроғи сап-сариқ – худди олтинга ўхшайди. Бу ерларда сув тақчиллигига чидайдиган қора майиз етиштирилади. Фақатгина бунда кун кўраётганларни, тирикчилик аравасини тортаётганларнинг битта гуноҳкори бор, у ҳам бўлса, табиат. Ҳаво ёмғирга “ҳомиладор” бўлиб, барака томчилари саваламаётганда улар табиатдан хафа бўлишади. Айтганча, ўтмишда ҳам карвонлар аҳли коризлар сувидан бахраманд бўлганлар.

...Етмиш чоғлича нортуяга турли хил газлама ва чиннилар ортилган. Оғзидан кўпик сачратган “чўл кемалари” бундай оғир юкларни кўрдим демайдилар. Олдиндаги нортуяда эчки соқол, озғин карвонбоши бораяпти. Улар Самарқанддан Нурота музофотига қараб йўл олдилар. Карвондагилар кела туриб бир-биридан гўзал манзаралардан завқландилар. Улар Нур қалъасига бора-боргунча етти-саккиз тош йўлда учраган коризлар сувидан керагича жамғариб жон сақлардилар. Бунда коризлар уларга жуда асқатди. Агар улар бўлмаганида, дашту саҳроларда томчи сувга зор бўлишармиди? Бунинг учун аждодларимизга минг раҳмат. Ахир уларнинг ақли расо бўлишган-да! Буни қаранг, ота-боболаримиз ер қаърида шундоқ мазали, ширин сув борлигини қадимдан билишган-а?!

Интиҳосиз дашту далалар, мағрур, пурвиқор тоғ қояларига кўз ташлаб инсон боласи бу чексиз, мовий кенгликлардан илҳом олишига, яратиш ишқи билан яшашга йўналтирилган зот эканига шубҳа қилмайман. Фақатгина бир хавотир қалбимни кемиради. Сув йўқлиги, тақчиллиги, қурғоқчилик йилларида Яратувчи инсонни табиат билан қарама-қарши қилиб қўя оладими? Асло ундай эмас экан. Негаки, инсон бу ерларни азиз билади, севади, ардоқлайди. Ана шу меҳр, ардоқ туфайли у сариқ тупроқлар бағрида коризлар қазиб, унинг зилолдек тиниқ, ширин сувига қаноат этиб умргузаронлик қилиб келаяпти.

Биласиз, катта-катта ер майдонлар чанқоғини қондиришга (Нурота тоғ тизмаларининг Оқтов ва Қоратов деб аталувчи тоғлар орасида ялангликда қўним топган маскандир) қурби етмайди, мажоли келмайди. Дард устига чипқон деганларидек, (Нурота шаҳри маркази назарда тутилаяпти) бу гўшада Нурбулоқдан ўзга оқар сув манбаи йўқ эди. Шундай кезда, дўппини бошдан олиб, ўйлашга, бош қотиришга тўғри келди. Бунда одамлар минг йиллик тажрибаларида синовдан, чиғириқдан, имтиҳондан ўтган булоқнинг юқоридан қуйига қараб оқишини кузатиши асқатади. Бу тизим кориз жабҳаси деган ажабтовур ном билан аталади. Мазкур тизим аҳолининг сувга бўлган талабини қондиради.

* * *

Чошгоҳ. Ҳаво илиқ. Осмонда тўрғайлар чуғурлашиб ҳаётга шукрона айтади. Шу чоғ қўлига кетмон, белкурак, лом, кувал, болға каби иш қуроллари тутган одамлар қудуқ қазишни бошлаб юбордилар.

— Уйларинг буғдойга тўлгурлар, қани, жадал қимирласанглар-чи, — деди иш бошида турган оқсоқол дўриллоқ овозда. Бу гапни эшитиши ҳамоно эркаклар ишга шўнғидилар. Маълум вақт ўтиб, бирин-кетин қудуқлар ковлаб бўлинди. Шунда чўққисоқол чол олдинга чиқди-да, ўзига хос эпчиллик ила қудуқдан чиққан сувга “коҳ”, яъни сомонни улоқтирди. Буғдой поясини сув шарқ тарафга оқизди. Чол ўша томондан кориз қазиш лозимлигини уқтирди. Яхши биласиз, физика қонунида таърифланганидек, юқори босим асосида сув юқоридан пастга қараб худди болакайдек чопади, югуради. Хулласи калом, кориз деганимиз энди кориз қудуқлар мажмуидир. Дарвоқе, ҳар бир кориз тизимида юз ва ундан зиёд қудуқлар боғланмаси бўлганини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Нурота музофоти атрофида, теварагида ана шундай қудуқлар мажмуидан уч юз олтмишдан ортиғи бўлганлиги ўтмишдан аён.

Коризлар — қудуқлар оламига саёҳат чоғида ажабтовур ҳолатга гувоҳ бўлдим. Дастлаб ўнта ва ундан ортиқ қудуқлар сув чиққан жойгача ковланган. Улар оралиғидаги масофа ўн тўрт метрдан кам бўлмаган. Бу юмуш бошида тажрибали мироблар турганлар. Улар қудуқларни сифатли ва рисоладагидек қазишга масъул бўлганлар. Фақатгина суви чиққан қудуқлар сони ўн, ўн бештага етказилгандагина шу тизимда қудуқ қазиш, ковлаш амаллари давом эттирилган. Ақл шошиб қоладиган ҳолат. Сал аввал айтилган қудуқлар суви отилиб чиққунга қадар ковланмаган. Бундай қудуқлар “тепа қудуқлар” деб юритилган. Айтганча, ҳар бири иккинчисидан сатҳининг баландлиги жиҳатидан ўн, ўн беш сантиметр фарқ қилиб бораверган. Аҳамиятлиси, бунда қудуқларнинг оғзи худди йиртқич оғзидек ланг очиқ қолдирилган. Сатҳи бирин-кетин, галма-галдан юқорига қаратиб борилган. Аввал бошда қазилган қудуқдан охири сув чиқиши лозим бўлган қудуққа қадар коризларнинг сатҳи ўн бир метргача кўтарилиб борган. Қудуқлар охирига етганда обиҳаёт отилиб чиқиб, ерларни суғоришда асқатган. Дарвоқе, ўртача ҳисобда 1 метр узунликдаги сув йиғувчи қудуқ 0,3-0,6 литргача сув берган.

Коризлар, қудуқлар оламига саёҳат қилиб юрганимда мироблар билан суҳбатлашдим. Нуроталик Ҳамдам бобо Эшонқулов — ёзувчи, ўлкашунос. Юрти тарихини пухта билади. Вохага меҳри бўлакча. Коризлар моҳиятига етаман деб кўп китоб титкилаган. Бобо қизиқ ҳикоялардан сўзлайди: “Коризлар оламига шўнғиганимда қизиқ ҳолатга рўбарў келдим. Шулардан баъзиларига тўхталсам. Бошқа қазилган қудуқларнинг сатҳига тенглаштирилиб, қолган қудуқларнинг тагидан, яъни ер остидан қудуқларни бири-бири билан бирлаштирувчи канал ўтқазилган. Натижада ер ости сувлари ўз босими, майли билан ер устига фаввора мисол отилиб чиқаверган. Сувга етказилмай қазилмай ковланган қудуқлар тақдири нима кечади деган савол юзага қалқиб чиқади. Бунда улар ҳаво ўтказгич вазифасини бажарган. Нега деганда ер ости сувлари бир жойда тўпланиб димиқиб қолмаслиги учун. Ахир ота-боболаримиз бекорга, “сув бир жойда туриб қолса, айнийди” деб айтмаган. Сув етказилмай қолган қудуқлардан сизиб кирган ҳаво туйнук орқали бемалол, эмин-эркин айланиб, обиҳаётнинг тоза бўлишини ва ҳаракатга келишини назорат қилиб борган.

Ўқирманни “Кориз” сўзи мазмуни қизиқтириши шубҳасиз. “Коҳ” — арабча “сомон”, “рез” — форсча “қазиш” сўзларидан олинган. Илмда кориз — ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қурилган ер ости иншооти; аҳолини сув билан таъминлаш ва суғориш мақсадида қўлланилади. У Яқин Шарқ, Жануби-шарқий Осиёда тарқалган деган маълумотга кўзим тушди. Негадир кориз сўзи Кўҳистон (Нурота тоғлари ва у ердаги мавзелар шундай аталган) аҳолиси орасида кўп тилга олинган. Нуротада қадимги коризларнинг аксарияти кўмилиб, оғзи беркилиб кетган.

Аҳоли оқар сув сабаб даҳанаки муштлашганлар. Бунга сабаб сифатида одамлар бир-бирини менсимай сувни томорқасига очиб олганини кўрсатиш мумкин. Ачинарлиси, тортишувга кексалар ҳам аралашганлар. Баъзида можаро боис бегуноҳ кишилар ҳам ҳалок бўлганлар. Шунда кўнгилсизликнинг олдини олайлик деб навбат ташкил этилган. Ёшу кекса бу қоидага амал қилиши шарт бўлган. Бўйни йўғонларни қози ва миршаблар жазолаганлар. Аслида бир кориз тизимини вужудга келтиришда, яъни ковлашда йигирма, йигирма беш хўжаликдан қирқ, қирқ беш чоғлича киши қатнашган. Улар сувни тутишда адолат, ҳақиқат мезонларига амал қилганлар. Ҳар бир (масалан ўн бештадан бўлинган хўжаликнинг) ўз сув тутадиган кунлари аниқ бўлган. Буни улар “тахта” деган ном ила атаганлар. Борди-ю, ўн учта хўжалик кундузи сув тутса, худди шундай тахталарга бўлиниб қолганлари кечаси экинини сувга қондирган. Кориз сувидан фойдаланган томорқа ер эгалари еридан икки марта ҳосил олганлар. Айтганча, кориз жабҳасидан оқиб келадиган сувдан фойдаланиш маҳаллий аҳоли тилида “сувни тутиш” дейилган. Ҳозирда бу сўзлар унутилиб кетган. Уни уч-тўрт кексагина тилга олади, холос.

Гапнинг бўларини айтганда, аждодларимиз меҳнати, ақл-заковати, донолигининг барҳаёт намунаси, суғоришнинг энг арзон ва қулай усулларидан бири бу кориз жабҳасидир. Айтишларича, Нурота музофоти теварагидаги коризлар “Нуробод”, “Қизилканда”, “Кўнчи”, “Кунбо”, “Мери” “Мозор”, “Хайробод”, “Султон”, “Мастон”, “Бегали”, “Тайла”, “Коризчи” каби антиқа номлар билан аталган. Бу далил эса коризларни турли қишлоқлардан келган одамлар қазиганлигини кўрсатади. Сафар давомида, гўшада араблар томонидан ковланган “Матсақ”, “Зулфиқор” деган коризлар ҳам бўлганини билиб олдик. Айтишларича, бу коризларни қазишга йигирма кун, баъзида эса уч ойгача вақт сарфланган. Коризлар сони ўттиздан кам бўлмаган. Айрим коризларнинг номидан уларнинг қазилиш тарихи, йили чиққан. “Мос”, “Зулм” коризларининг номидаги ҳарфлар йиғиндисидан абжад ҳисобида ҳижрий 970, мил. 1533-1534 йиллар ва “Зулфиқор” коризидан ҳижрий 1118, милодий 1706 ёки 1707 йил рақамлари чиқар экан, дейди Машариф Боқиев.

Шу ўринда муҳим гап. Эл-улусни, нега унда ҳозир ҳам коризлар тизимини барпо этиб ундан фойдаланиб бўлмас экан, деган савол қизиқтиради. Афсуски, кориз қазишнинг имкони йўқ. Устига-устак, бир маҳаллар катта куч эвазига Нурота заминида ясалган коризларни ишга тушириб бўлмас экан. Ҳозирги кунда экологиянинг узвий таъсири ва қурғоқчилик туфайли ер ости ва сизот сувлари ернинг остки қатламига тушиб кетди. Қолаверса, ўн беш, йигирма метр қудуқ ковланганда обиҳаёт отилиб чиқавермайди. Электр токи ёрдамида ишлайдиган артезиан қудуқларига сув эллик, олтмиш метр чуқурликдан базўр чиққан. Гапнинг бўларини айтганда, кориз жабҳасини ишга туширишга ҳожат ҳам, ҳафсала ҳам йўқ одамларда.

Тепалик қишлоғида бўлганимда, мезбонлар мени бош коризга бошлаб бордилар. Уни синчиклаб кўздан кечирдим. Қудуқ кўмилиб кетган. Фақатгина айрим белгиларгина сақланиб қолган. Аслида билганга кориз — мўъжизанинг ўзгинаси. Ер остидан сув юзага ариқдай оқиб чиқади. Қудуқлар эса саф тортган аскарлардай қатор қилиб ковланади. Сўнгра улар ер остидан бир-бирига улаб борилади. Қаранг-а, Оллоҳнинг қудрати ва инсон ақлу каромати билан ер тагидан чиққан обиҳаётдан одамлар, экинлар, ҳайвону қушлар баҳраманд бўладилар. Суви булоқ сувидай ширин, тотли. “Айниқса, жазирамада, гармсел эсган кунлари тотли кориз сувидан тотиниб, мириқиб ичиб, шу атрофдаги чексиз яйлов ва кенгликлар бағрида қўй, мол боқиб, ўйнаганмиз”, — дейди Толлибой бобо ўша дамларни эслаб. Дарҳақиқат, биз турган бош кориз теварагида ўзбек достончилигининг хазинабонларидан бўлган Эргаш Жуманбулбул ва бошқа сўзонлар иштирокида жонон суҳбатлар ва достон айтишлар бўлган.

Кориз сувининг таъми, мазаси бўлакча бўлгани учун қумғонда қайнатиб, обжўшга кийик ўтидан солиб дамланади. Ана шунда чойга лаззат эниб, ичган одамнинг оғзида таъми қолган. У сира булоқ сувидан қолишмайди. Нега деганда иккови ҳам бир жойдан, яъни ер остидан чиқади-да!

“Авесто” китобида ёзилишича, сув юлдузларда пайдо бўлиб, кумуш тусга кирар эмиш. Эҳтимол шундайдир. Аммо ғаройиб жиҳат шундаки, сув худди нур каби ҳамма жойларга дадил кириб бораверади. Ҳамма жойда “жилмайиб”, “кулиб” тураверади.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

ХОРИЖ

БУЮК БРИТАНИЯ ҚИРОЛИ ОҒИР ДАРДГА ЧАЛИНДИ

Буюк Британия қироли Чарльз III простата безининг катталашиши туфайли касалхонага ётқизилганида саратон касаллиги аниқланди. Бу ҳақда Букингем саройи матбуот хизмати хабар берди.

“Жаноби олийлари бугун мунтазам муолажаларни бошлади, шифокорлар унга жамоат олдида турган вазифаларни кечиктиришни маслаҳат берди. Бу давр мобайнида олий ҳазратлари давлат ишлари ва расмий ҳужжатларни юритишда давом этади”, — дейилади баёнотда.

Қайд этилишича, қирол ўзининг даволанишига ижобий муносабатда ва имкон қадар тезроқ давлат олдидаги мажбуриятларини ўташ учун қайтишга умид қилмоқда.

“Жаноби олийлари миш-мишларнинг олдини олиш учун ва бу бутун дунё бўйлаб саратон касаллигидан азият чекаётганларни тушунишга ёрдам беради, деган умидда ўз ташхиси билан бўлишишга қарор қилди”, — дейилган баёнотда.

НАТОНИНГ НАВБАТДАГИ БАЁНОТИ

НАТО бош котиби Йенс Столтенбергнинг Россия ва Хитой ҳақидаги баёноти альянснинг жаҳон урушини бошлаш истагидан далолат беради. Бу ҳақда “Global Times” хабар тарқатди.

Столтенберг АҚШдаги нутқлари давомида Хитойни бир неча бор тилга олиб, уни НАТО учун “чақириқ” сифатида кўрсатди. Натижада у НАТОнинг глобал кенгайишига қонунийлик изламоқда, деб ёзади “Global Times”.

Бош котиб Хитойни “узоқ муддатли истиқболдаги энг жиддий таҳдид”, унинг шимолий қўшнисини эса “уларнинг ичида энг долзарби” деб атаган. “Бу Украинадаги можаронинг жаҳон урушига айланиши учун жамоатчилик фикрини тайёрлашга уринишдир”, — дейилади хабарда.

Бундан ташқари, Столтенберг энди Украинадаги инқирозни Европа билан чекламаслиги, балки уни глобал геосиёсий можаро сифатида баҳолаши таъкидланади.

АГАР ВАЗИЯТ ТАҚОЗО ҚИЛСА…

Беларусь президенти Александр Лукашенко Қуролли кучлар ички хизмати уставига ҳарбийларнинг фуқароларга қарши қурол ишлатишига рухсат берувчи ўзгартиришларни киритди.



Лукашенко ҳужжатнинг 11-моддасини ўзгартиришни буюрган. Унинг янги таҳририда ҳарбий хизматчилар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда “мавжуд вазият, жиноятнинг хусусияти, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда қурол ишлатиш” ҳуқуқига эгалиги ёзилган.

Ҳарбийлар қуролни ишлатиш нияти ҳақида “аниқ ва равшан” огоҳлантириш бериши керак. Қоидабузарга белгиланган талабларни бажаришда етарли вақт бериш лозим. Бироқ ҳарбийларнинг ўзи ёки бошқа фуқароларнинг ҳаётига хавф туғдирадиган ёки “бошқа оғир оқибатларга” олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Қуролдан фойдаланиш натижасида “фуқаронинг жароҳатлангани ёки ўлгани” тўғрисида дарҳол тегишли прокурорга, шунингдек, тергов органига хабар бериш керак. Ҳарбий хизматчилар “умумий ҳарбий низомлар талабларига мувофиқ” ҳаракат қилсалар, етказилган “зарар” учун жавобгар бўлмайди.

ҲАРБИЙ ЁРДАМНИ КАМАЙТИРМАСЛИККА ЧАҚИРДИ

Германия канцлери Олаф Шольц Украинага ҳарбий ёрдамни камайтирмасликка чақирди. Бу ҳақда жорий йилнинг 5 февраль куни Берлинда Франция Бош вазири Габриэль Атталь билан ўтказган қўшма матбуот анжуманида сўз очди.

“Мен Америка Қўшма Штатлари ва Европа Иттифоқига аъзо барча давлатлар Россия Президентининг бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган умидини йўққа чиқариш учун ҳам (Украинага) катта ёрдам юбориши керак деб ҳисоблайман”, деди Шольц. Унинг айтишича, Владимир Путин қачонлардир Ғарб мамлакатлари Киевни қўллаб-қувватлашни тўхтатишига умид қилмоқда.

“Унга Қўшма Штатлар ва Европадан аниқ хабар юбориш керак: бу режа иш бермайди. Биз Украинани қўллаб-қувватлаймиз”, деб таъкидлайди Олаф Шольц. Ўз навбатида, Габриэль Атталь ҳам Франция Украинага ёрдам дастурини кенгайтириш ниятида эканини таъкидлади. Унинг қайд этишича, гап нафақат молиявий ёрдам, балки қурол-яроғ ҳақида ҳам кетмоқда. Атталь Франция Украинага “SCALP” қанотли ракеталарини етказиб берганини эслатди. Бироқ Шольц ҳали ҳам Киевга кучлироқ немис “TAURUS” ракеталарини топширишдан бош тортмоқда.

СЕНЕГАЛДА ИНТЕРНЕТ УЗИБ ҚЎЙИЛДИ

Сенегалда президентлик сайловлари арафасида Дакардаги Миллий Ассамблея қаршисида намойишчилар йиғилди. Полиция намойишчиларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатган. Бундан ташқари, мамлакатда мобиль интернет ҳам ўчирилган.

Сайлов кампанияси расман бошланишига бир неча кун қолганида, Сенегал президенти Макки Салл сайловлар 25 февралга қолдирилишини эълон қилди. У буни Миллий Ассамблея ва маҳаллий конституциявий суд ўртасида номзодларни сайловдан четлаштириш бўйича можаро билан изоҳлади.

Дакардаги норозилик намойишлари давомида полиция билан тўқнашувлар юз берган. Унда президентликка номзодлардан бири, Сенегалнинг собиқ бош вазири Амината Туре ҳибсга олинганди. Аммо бир кун ўтиб у озод қилинган. Туре сайловларнинг кечиктирилишини “демократия учун мисли кўрилмаган муваффақиятсизлик” деб атаган ва сенегалликларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақирган.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЁШЛАР ЭЛ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙДИ

1-6.

Ўтган йили 22 декабрда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масала эканлиги бот-бот таъкидланди.

Бугун дунёга назар солиш жуда осон. Қўлимизда телефон, ижтимоий тармоқнинг хоҳлаган сайти, канали орқали истаган мафкуранинг тарғиботини кўриш мумкин. Бу эса айни пайтда хавфли ҳамдир. Ёвуз ниятли кимсалар ўз ғояси атрофига миллатидан, динидан қатъи назар одамларни жамлаб дунёга эгалик қилишни истамоқда.

Ҳозир одамларда, айниқса, ёшларда ахборотга ташналик кучли. Бироқ ижтимоий тармоқлардаги, шов-шувли, таҳликага солувчи, баъзида ўта нафратланарли хабарлар бизнинг менталитетимиз, қадриятларимизга асло мос келмайди. Буни ҳам мамлакатимиз раҳбари куйиниб, ташвиш билан айтиб ўтдилар:

“Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш, албатта, осон бўлмаяпти”.

Минг шукурки, бугун Ўзбекистон жаҳон

айвонида сиёсий позицияси билан юксак нуфуз ва мавқега эгадир. Аммо давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган унинг маънавий қиёфасидир. Президентимиз бу борада жуда ҳам таъсирли чақириқни ўртага ташладилар:

“Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераяптими?

Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг пировард натижаси аслида шу, бизнингча. Яъни янги, тараққий этган, дунё билан бўйлашган Ўзбекистон аталмиш давлатнинг ватанпарвар, эл-юрт ишига фидойи, миллатини, давлатини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимоя қиладиган, ривожлантирадиган, уни асраб-авайлайдиган, қадрияти, аждодлари, маънавий-маърифий, илмий, бадиий мероси билан фахрланиб, унга садоқат кўрсатадиган авлодни тарбиялашдир.

Президентимиз бу йўналишда ҳам Ўзбекистоннинг аниқ мақсадлари борлигини қатъият билан айтди:

“Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”.

Президентимиз бошланган йилимизга **“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”** деб ном беришни таклиф қилди. Эътибор қаратсак, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг марказида эртанги келажагимиз бўлган ёшлар сиёсати устуворлигини кўрамиз. Бу сиёсат бир йил билангина чекланиб қолмасдан тизимли равишда давом этаётгани барчамизга аён.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз, деган пурмаъно фикрлари биз устозлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Айниқса, бебаҳо бойлигимиз – инсон саломатлигига эътиборни кучайтириш, тиббиёт тизимини такомиллаштириш борасида қўйган вазифалари тиббиёт тизими учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Андижон давлат тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлардан иборат катта жамоаси доимий ўқиб-ўрганишда, илмий изланишда. Биргина ўтган 2023 йилдаги фаолиятимизни таҳлил қиладиган бўлсак, институт жамоаси ва талабалари учун ҳар жиҳатдан самарали бўлди дея бемалол айта оламан.

Таълим даргоҳимиз бугунги кунда 60 дан ортиқ хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Корея Католик университети, Ҳиндистон “Savitribai Phule Pune” университети, “Dr.D.Y.Patil Vidyapeeth, Pune” университети, Германия (ГИЗ), Россия Қозон Федерал университети, А.В.Вишневский номидаги миллий тиббий тадқиқот жарроҳлик маркази, Алмазов номидаги юрак жарроҳлик маркази, Ўзбек-Америка тиббий ассоциацияси билан “Case Western Reserve” университети, Туркия Эге университети стоматология ва тиббиёт факультетлари, Соғлиқ билимлар университетлари билан аниқ режалар асосида тизимли ишларни йўлга қўйганмиз.

Шу ўринда мамлакатимиз ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ йиллардан буён давом этиб, йилдан-йилга равнақ топаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Икки мамлакатнинг илм-фан, хусусан, тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам алоҳида эътирофга молик. Боиси, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида тиббиёт йўналишида кенг кўламли алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, коронавирус пандемияси даврида ушбу мамлакат мутахассислари ўзбек шифокорларининг яқин ҳамкорига айланган эди.

Ушбу дўстона алоқалар бугун ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 22-23 январь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон – Хитой таълим форуми ҳам икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасида янги ҳамкорликларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Форумнинг биринчи кунида Андижон давлат тиббиёт институти ва Хитойнинг Вуҳан университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга кўра, Иммунология ва Эпидемиология соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Форумнинг иккинчи куни Тианжин шаҳрида ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Тианжин шаҳрида жойлашган олий таълим муассасалари ўртасида турли соҳаларга доир 40 та икки томонлама шартнома имзоланди ва тўғридан-тўғри мулоқот орқали қатор келишувларга эришилди.

Мазкур тантанали тадбир давомида Андижон давлат тиббиёт институти ва Тианжин Хитой халқ табобати университети (Tianjin University of Chinese Traditional Medicine) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унда Хитой тажрибаси асосида институтда Халқ табобати йўналишини ривожлантириш, доривор ўсимликларни ўрганиш юзасидан ишларни амалга ошириш масалалари кўзда тутилган. Ушбу имзоланган келишувлар асосида 2024 йил учун тегишли йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Хитойнинг шифохона қурилмалари етказиб берувчи энг йирик Миндрай (Mindray Medical International) компанияси вакиллари билан ҳам учрашув ўтказилди. Унда компания томонидан радиология кафедраси ва клиник лаборатор диагностика кафедраларига асбоб-ускуналар тақдим этиш юзасидан келишувга эришилди. Хусусан, компания томонидан институтимизга 1 та УТТ ва 1 та Комплект лаборатория анализаторини беғараз олишга келишиб олинди.

Беижинг (Beijing silk road culture development) компанияси билан 2024-2026 йиллар оралиғида Хитойдан 30 нафаргача талабаларни Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга жалб этиш юзасидан келишув амалга оширилди. Ушбу ҳамкорликлар натижасида институтга ўқув мақсадларида жами 150.000 долларлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Институтимиз Ҳиндистон давлатида 3 та, Жанубий Кореяда 1 та ваколатли офисига эга. Бу институтга хорижлик талабаларни жалб этиш ва абитуриентларни қизиқтирган саволларига шу давлатларнинг ўзида тўлиқ жавоб олишларига имкон беради.

Ўтган йилда 40 га яқин халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларига мезбонлик қилдик. Институтга хорижлик мутахассисларни жалб этган ҳолда маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш яхши ташкил этилган, 8 нафар хорижий мутахассис ишга қабул қилинган. Шунингдек, 58 нафар профессор-ўқитувчи хорижий давлатларда малака ошириб қайтдилар.

Институт ходимлари томонидан йил давомида 10 та докторлик, 44 та фалсафа докторлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Шунингдек, илмий фаолиятда муносиб изланишлар олиб бораётган талабаларимиз ҳам ўзларининг ютуқлари билан биз устозларни қувонтирмоқда. Улар орасида номдор стипендия соҳиблари, нуфузли илмий олимпиадалар ғолиблари борлиги бизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Science box” илмий маркази ташаббуси билан бир нечта халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган “Илмий тадқиқотчи” халқаро

илмий-амалий танловида хамда “Илмий тадқиқотнинг ўрни: муаммо ва ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда институтнинг иқтидорли талабалари фаол иштирок этиб диплом ва кўкрак нишони билан тақдирланди. Акушерлик ва Гинекология фанидан халқаро талабалар иштирокидаги фан олимпиадасида 6 нафар иқтидорли талаба-қизлар 1-ўринни қўлга киритди.

Бу каби истеъдодли, билимли талабаларимизнинг муваффақиятлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Бироқ биз бу билан чегараланиб қолмаймиз. Изланиш, ўқиб-ўрганиш доимий вазифага айланган.

Институтимизда 1554 ўринли 4 та талабалар турар-жойи мавжуд. Унда ҳозирги кунда 1550 нафар йигит-қизлар яшайди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва тўғри тақсимлашлари учун шароитлар муҳайё ва турли машғулотлар ташкил этилган. У ерда маънавий таҳдидларга қарши курашишда ёшлар маънавиятини ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш мақсадида “қизил”, “сариқ”, “яшил” тоифаларга ажратиш бўйича институт психологи, тарбиячи педагог, факультет деканларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, тьюторлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари ижара уйларда истиқомат қилаётган йигит-қизларимизнинг юриш-туриши, тарбияси, нима билан машғул эканлиги доимий назоратимизда.

Биз тиббиёт соҳасига малакали ва билимли кадрлар етиштириб бериш баробарида эртага келажагимизни бемалол қўлига топшира оладиган ўз фикрига эга, юрт қувончу ташвишига елкадош ва дахлдор бўлган ёшларнинг тарбияси зиммамизда эканлигини бир лаҳза ҳам ёддан чиқармаймиз. Шогирдларимиз одамларни танасидаги дардлардан халос этиш билан бирга, уларнинг онгу шуури саломатлиги учун ҳам жавобгардир.

Яна бир жиҳатга тўхталишни истардим. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг сифатли ва ҳамёнбоп дори-дармонлар таъминоти борасида талаблари ва бу борада Андижон вилояти ҳокимининг топшириқларига асосан беморларга тавсия этиладиган дори-дармонларни тартибга солиш тадбирлари бошланди.

Қиммат турувчи, халқни чарчатган, келиб чиқиши аён эмас ва жимжимадор дориларга пул сарфлашни тўхтатиш, унинг ўрнига сифатли маҳаллий дориларга ўрин бериш кун тартибига кўтарилди. Ахир, ўтган йили биргина шамоллаш учун тавсия қилинган хориж дорисини қабул қилган гўдакларнинг қанча азоб чеккани, қанчасининг умри хазон бўлгани барча учун катта сабоқ бўлди. Бундай нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун тизимда жиддий ўзгаришлар олиб бориш тақозо этилмоқда.

Энди пала-партиш дори тавсия этишга барҳам бериш вақти келди. Шунингдек, шифокорлар ва турли фармкомпанияларнинг ўзаро “манфаатли” ҳамкорлигига ҳам нуқта қўйиш шарт. Тиббиёт муассасаларидаги дори фирмалари календарлари, ёрлиқлари, эсдалик буклетлари ва бошқа реклама жиҳозлари беморни чалғитмаслиги керак. Бугун битирувчи талабаларимиз ўқишдан узилмаган ҳолда вилоятдаги тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатмоқда. Иш жараёнида мана шу жиҳатларга эътибор қаратишларини уқтиряпмиз. Чунки мана шу Ватанда яшар эканмиз, фаолиятимизнинг ҳар лаҳзасида унга дахлдор эканимизни ҳис қилиш бурчимиздир.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

ТАДҚИҚОТ

НАВОИЙШУНОСЛИКДА ҲАМ АНИҚЛИК КЕРАК!



“Мантиқ ут-тайр”ни неча ёшида ёдлаган?

“Лисон ут-тайр” достонида шоирнинг ўзи мактабда ўқиб юрган кезлари ота-онаси Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонини ўқишга ҳаддан ташқари берилиб кетганидан ҳадиксираб, яъни бу кетишда телба бўлиб қолишидан қўрқиб, китобни ундан олиб, яшириб қўйганини, лекин бунинг бефойдалигини, чунки уни ёдлаб олганини битади. Мана ўша байтлар:

Бўлмағайким, даст бергай телбалик,
Чеккулик бўлғай салоҳидин илик.
Ёшуруб, дафтарни маъдум эттилар,
Шуғлидин кўнглумни маҳрум эттилар.
... Лек чун ёдимда эрди ул калом,
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.

Бўлажак шоирнинг “Мантиқ ут-тайр”ни ёдлагани ҳақида бошқа бирон-бир манбада маълумот йўқ. Лекин навоийшуносларнинг бири ёш Алишер Аттор достонини 5, иккинчиси 7, учинчиси эса 10 ёшида... ёдлаганини қайд этаверади. Ахир ҳеч ерда шоир ўшанда неча ёшда эканини билдирмаган-ку!

“Фоний” — шоирнинг ҳам форсий, ҳам туркий тахаллуси

Шўро давридаги ўзбек навоийшунослигида: “Алишер Навоий туркий тилда ёзган шеърларига “Навоий”, форсий тилдаги шеърларига “Фоний” деб тахаллус қўйган”, — деган қараш қатъийлашган эди. Тўғри, шоирнинг форсий шеърлар тўплами “Девони Фоний” деб номланган. Лекин машҳур академик Евгений Эдуардович Бертельс бундан бир аср бурун ёзган “Навоий ва Аттор” мақоласида “Лисон ут-тайр” достони туркий тилда битилган бўлса ҳам, унда “Фоний” тахаллуси қўлланганини алоҳида қайд этган эди. Ушбу сатрлар муаллифининг 1992 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Ишқ, ошиқ ва маъшуқ” рисоласида эса шоир нега бу достонида айнан форсий шеърларидаги тахаллусини қўллагани сабабларини таҳлил этиб берган, шу тариқа “Фоний” унинг ҳам форсий, ҳам туркий тахаллуси эканини батафсил исботлаган эди. Ахир “Лисон ут-тайр” ҳажман қарийб шоирнинг форс-тожик тилида битилган лирик шеърлари жамланган “Девони Фоний”ига тенг келади ҳам.

Йўқ-да! Манбасини келтириб ўтирмайлик, лекин яқин-яқинларда ҳам матбуотда айрим чала мутахассислар: “Фоний” — шоирнинг форсий тахаллуси”, деб ёзаверди-да.

Бу кетишда хатоларни қачон тузатамиз? Илм қачон янгиланади?

Навоий нечта жанрда ижод қилган?

Устоз навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов Навоий лирик хазинаси бўлмиш “Хазойин ул-маоний”да 16 жанрдан фойдаланилганини ёзган. Бўлди-ку. Матбуотда унда-бунда: “Навоий 16 жанрда ижод қилган”, — деган қайдларга дуч келаверамиз-да.

“Вей, барака топкурлар, ахир Ёқубжон Исҳоқовнинг бу маълумоти Навоийнинг фақат лирикаси ҳақида айтилган, унинг барча асарларига тегишли эмас-ку!” дейдиган мард йўқ.

Ҳолбуки, жанрларни санаш у қадар қийин иш эмас-ку. Ахир Навоийнинг “Мукаммал асарлар тўплами” чоп этилган бўлса. Лекин ҳеч ким шу пайтгача санамаган экан. Охири шу масалага аниқлик киритилиб, буюк соҳиби қалам жами 32 жанрда ижод қилгани қайд этилди **(қаранг: Адабиёт зиёси, 2020 йил, 6 февраль).**

Ана, кўрасиз, ҳали яна кўп йиллар айримлар шоир қўллаган жанрлар ҳақида ўйламай-нетмай яна “16 та” деб айтишаверади.

Улуғ шоир нечта асар яратган?

Адабиётшуносликда бор-йўғи икки қатордангина иборат фард ҳам бир асар ҳисобланади. Шундан келиб чиқилса, умридан ўта баракали фойдаланган Навоий қанча асар яратиб кетди экан?

Бу саволга 2020 йилга қадар эълон қилинган навоийшуносликка оид китоб ва мақолалардан жавоб қидириб ўтирманг. Овора бўласиз. Чунки аксар манбаларда унинг “30 та асар битгани” қайд этилаверади. Кимдир қай бир замонда муаллифнинг китоблари номидан келиб чиқиб, шу рақамни қайд этган. Бўлди, энди буни ҳамма такрорлайверади. Шуни такрорлаётганларнинг деярли ҳаммаси шоир туркийда битган ғазалларининг ўзидан “Хазойин ул-маоний”га 2 минг 600 тасини жойлаганини жуда-жуда яхши билади.

...Яқинда бир ўзбек ошпази ошга сабзи тўғрашнинг оддийгина қурилмасини яратиб, ижтимоий тармоқларга қўйибди. У худди бир пайтлар қишлоқлардаги ҳар бир ҳовлида бўладиган еростидан сув тортадиган қудуқнинг ўзгинаси. Фақат бундай қудуқ учун ишлатиладиган қувур диаметри 10 сантиметр бўлган бўлса, сабзитўғрагичнинг қувури диаметри 5 сантиметрча келади. Тагига тешиклардан иборат металл пайвандланган. Арчилган сабзини соласиз, устидан ўнг қўл билан анорнинг сувини сиқадигандек поршенни босасиз, таппа-тайёр майдаланган сабзини чиқариб бераверади.

Шундан завқланиб, телеграм каналимга шу видеони қўйдим-да, тагига: “Биз — ўзбеклар ҳам ихтирочи бўляпмиз. Шукур!” деб ёздим. Нақ балога қолдим-ку. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист укамизнинг жон-пони чиқиб кетибди-ку: “Устоз: “Биз — ўзбеклар ҳам ихтирочи бўляпмиз”, дебсиз. Бу нима деганингиз? Биз азалдан кашфиётчимиз-ку!” деб ёзибди. Камина ҳам қўймадим: “Азалда-да фақат! Ҳозир дунё қайси кашфиётимиз маҳсулини ишлатяпти? Биз ишлатаётган нарсаларнинг ҳаммасини Европа ихтиро қилган. Ҳатто бутун Осиёнинг бирор ихтироси маҳсули Ер юзи бўйлаб ишлатилаётгани йўқ. Битта ролтонни японлар ихтиро қилган экан, европаликлар унинг ҳам ракка олиб келишини исботлаб беришди”.

Ахир уйингизда ишлатаётган нарсаларни — велосипед, скутер, телевизор, иситиш тизими, ошхонангизгача оқизиб келинган газ, машина, телефон, холодильник, электр токи, кир ювиш машинаси, микровольновка, соч қуриткич, тиш пастаси, тиш чўткаси, устара, дрель, компьютер, кўзойнак, сканер аппарати, принтер, ванна, раковина, жўмрак, дарвозангиз тепасидаги видеокамера... Эҳҳе, яна нимани санай?

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 22 декабридаги Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида: **“Чиндан ҳам, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”,** — деди.

Ҳаммамиз ҳар куни ён-веримизда Ғарб илм-фанининг биздан нечоғли олдинлаб кетганини кўриб-билиб турибмиз-у: “Биз азалдан буюклар етишиб чиққан халқмиз”, — деб ўтирибмиз. Ҳамма гап шундаки, бу гап миямизга қайта-қайта айтилавериб, қуйилиб қолган. Лекин шу пайтгача: “Ғарбдан жуда-жуда орқадамиз”, деб ҳеч ким айтмаган.

Навоийшуносликда ҳам шундай ҳодиса юз беряпти. Шоирнинг минг-минг асари борлигини билганлар ҳам “30 та асар ёзган” деяпти. Охири, буни ҳам эринмай санашга тўғри келди. Ҳозирча унинг 4 минг 585 та асар (!) ёзгани аниқланди **(Қаранг: Адабиёт зиёси, 2020 йил, 6 февраль).** Аммо бунда насрий-шеърий аралаш битилган асарларидаги шеърлар алоҳида асарлар сифатида саналмади. Бу — тадқиқотчисини кутиб ётган вазифа. Улардаги фард, рубоий, қитъа ва бошқа жанрларга мансуб шеърий асарлар ҳам саналса, бу рақам яна ҳам катталашади, албатта.

Навоий неча шайх ҳақида тазкира битган?

“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асари Навоийнинг устози ва пири Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” тазкирасидан айрим қўшимча ва қисқартиришлар билан қилган таржимаси ҳисобланади. Чунки тазкиранинг 1968 йили чоп этилган қисқарган вариантида бор-йўғи 153 нафар шайх ҳақида маълумот қолдирилган эди, холос. 2001 йилга келибгина бу асар тўлиқ ҳолда нашр этилди. Унда ислом оламида XV аср охирларигача ўтган шайхлар ҳақида маълумотлар берилади.

Хўш, тазкирада неча нафар шайх тўғрисида маълумот мавжуд?

Бу саволга жавоб топиш учун, аввало, шу нашрнинг ўзига мурожаат этамиз. “Институтдан” деб берилган қисқа муқаддимада шундай сўзларни ўқиймиз: “... Навоий Жомий асарига эркин, ижодий муносабатда бўлади ва унинг асаридаги маълумотларни тўлдириб ёхуд қисқартириб боради ва 618 та шайхлар сонини 770 тага етказади” **(Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. — Тошкент: Фан, 2001. — Б. 5).**

Ҳақиқатан ҳам, китобда шайхлар ҳақидаги маълумотлар бир-биридан ажратилиб, рақамлаб борилган ва асар Бибичайи Мунажжима ҳақидаги 770-фиқра билан тугайди.

Лекин асло бунга ишонманг!

Нега?

Чунки тазкирани ўқиб чиқсангиз, рақамлашда жуда катта хатоликларга йўл қўйилганига амин бўласиз.

Хўш, қаерларда хатога йўл қўйилган?

411-рақам билан берилган фиқра сарлавҳасида: “Шайх Аҳмад Чиштий ва иниси Хожа Аҳмад Исмоил қуддуса сирруҳу” **(Б. 234)** деб аниқ-тиниқ битилган. Демак, бу парчада икки киши — ака-ука шайхлар ҳақида гап боряпти. Рақамни ҳам бу ерга: “411-412” деб қўйиш талаб этилар эди.

544-рақамли фиқрага Навоий: “Қирқ абдол қуддуса сирруҳу” **(Б. 364)** деган сарлавҳа битган. Кўрга ҳасса каби маълумки, бу парчада 40 нафар шайх ҳақида сўз боряпти. Демак, рақамни ҳам шунга мослаб, юқоридагини ҳам қўшганда: “545-584” деб белгилаш шарт эди.

552-рақамли фиқра сарлавҳасида: “Мир Бузург ва Мир Хурд Маъруф б-ис-Содоти Нуҳқа қуддуса сирруҳу” **(Б. 366)** деб белгиланган. Демак, бу фиқра ҳам икки шайх ҳақида. Буни: “592-593” рақамлашдан бошқа илож йўқ эди.

556-рақамли фиқра сарлавҳасига Навоий: “Шайх Абубакр Тусий ва Шайх Маликёр Паррон қуддуса сирруҳу” **(Б. 369)** деб ёзган. Буни ҳам: “597-598” деб белгилаш зарур эди.

596-рақамли фиқра бошида: “Шайх Саъд Ҳаддод ва анинг муриди Шайх Жавҳар раҳматуллоҳи” **(Б. 405)** деган сўзларни ўқиймиз. Буни ҳам икки рақам билан: “639-640” тарзида ифодалашга тўғри келар эди.

Чунки ахир шайхлар сонига кўра рақамланяптими ёхуд фиқралар сонига кўрами? Агар фиқраларга суянилган бўлса, нега унда муқаддимада 770 нафар шайх тилга олинди?

Хулоса қиламизки, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида 770 эмас, 813 шайх ҳақида маълумотлар келтирилган.

Битта-иккитага хато қилиш мумкиндир, лекин нақ 43 та шайх тўғрисидаги маълумотлар берилган бўла туриб, уларни саноқда акс эттирмаслик эътиборсизликдан, ўта жиддий бўлган ишни қўл учида бажаришдан бошқа нарса эмас, албатта.

Ёмонлиги, шу тазкирани қайта-қайта ўқиётганлар ҳам ўша муқаддимадаги 770 рақамига ишониб кетаверади-да.

Бу худди уйида фақат ва фақат европаликлар ихтиро қилган нарсалардан фойдаланиб туриб ҳам: “Йигитнинг сўзи битта бўлади: ўзбекларимиз ихтирочи бўлган!” деб турабериш билан баб-баробар.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ШЕЪРИЯТ

Муҳайё РУСТАМ қизи

Денгиз нафасига чайқа дилимни

ОНАЖОН

Онажон...
Қуёш бўйи анқир кўзларингиздан,
Бир назар эритар қайғуларимни.
Сиз қучоқ очсангиз тутдай тўкилар,
Мунчоқдай терасиз туйғуларимни.

Онажон...
Кокилимни тўшай товонингизга,
Босинг, пойингизда сочим гулласин.
Умрим тарошлаган қалам — машойих
Кўнглим изҳоридан мактуб йўлласин.

Онажон...
Юракдаги меҳрнинг муҳрин
Мен ҳотамномага босдим аямай...
Даге, қароқчилар илкидан чиқиб
Энди кўксингизга не деб суянай?

Онажон...
Севгимни олиб келдим мен
Жонимга санчилган тийғлар гул очди.
Минг битта ёғийга ғолиб келдим мен
Раҳмат хабаридан хобир йўл очди.

Онажон...
Онажоним — баҳрун нажотим,
Келинг, дуолар-ла руҳим уйғотиб.
Тобора қирмизлаб бормоқда шафақ,
Умрим осмонига кетяпман ботиб.

ҚОР ЁҒАР

Қор ёғар, оқликка бурканар
Кимсасиз, боши берк кўча ҳам,
Оқарар борлиқ ва юраклар
Замҳарир қорайтган кеча ҳам.

Қор ёғар, тозартиб дунёни
Қор ёғар ошуфта хаёлдай.
Кўнгилнинг йўлига тўшалар
Оқликлар шойиста иқболдай.

О, ёғар раҳмати илоҳий,
У сабаб яшнагай бир баҳор.
Ки йиллар адоғи-қишнинг ҳам,
Қор каби ойдинлиқ тонги бор.

ҒУРБАТ ТУНИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қазо товушида улиди шамол,
Юлдузларни ютди очофат осмон.
Бошимда шамолдай ғовлади савол,
Қонимни шопирди қасди пушаймон.

Гарчи бир гунг каби чиқармадим сас,
Ичимда тинмади ул қаҳҳор довул.
Сен ихтиро қилган фужур ебтўймас,
Илоҳий умримни қилди тановул.

* * *

Кўнглимнинг оғриғи қиёматгача,
Юрагим ярасин ялайди тамуғ.
Сенинг озорингдан ўтаман лекин,
Жонингга бир куни ҳаққим қалар чўғ.

Ёнаркан, ачишса руҳингда куюк,
Бўғзингга тиқилса олган нафасинг.
Сени таъқиб этса виждон деган юк,
Синар бахт деб қурган қора қафасинг.

Ўшанда кўзингни очар бу ҳаёт,
Ўшанда англарсан бари-барини.
Ўшанда ўзингнинг ичингга қайтиб
Кўрарсан надомат тасвирларини.

Унгача бошим хам, гарданимда юк,
Бир ғариб юрарман мен ерга қараб.
Умр бўйи чеккан изтиробларим,
Ажабмас, Худога этса муқарраб.

* * *

Юрагимни сотаман,
Тиккин борингни.
Нимаикинг бўлса ўртага қўйгин.
Дунёнинг энг мунир ёмғирларин қўй,
Латиф қор парчаларни тик юрагимга.
Олам-олам рангларни сана қуртдайин...

Юрагимни сотаман,
Тўпла борингни.
Ойни қўй ўртага, қуёшни ата,
Юлдузларни йиғиб харжла биттадан,
Қушлар, балиқларни нархла камига.

Соҳир табиати бор юрагимни
Сотаман,
Эвазига севгил руҳимни.
Учма чирияжак қошу кўзимга.
Севгил
Олмалардай қийғос гуллаган
Марварид-марварид орзуларимни.

Ол мендан, юрак ол, бағишла ҳаёт,
Севги-ла яшамоқ нелигин англат.
Тақдиримда сенинг вожиб бўлмоғинг,
Балки излаганим — мустафо талъат.

Мовий тушлар улаш менга, азизим,
Зарғалдоқ жонимга бахтни тасвир эт.
Денгиз нафасига чайқа дилимни,
Шууримда оққуш тонгларни эрит.

Бу лола юракни сотаман сенга...

* * *

Нима бор бу кўнгилдай маҳзун?
Ва мен каби бахтига ташна?
Ўзим каби ўзимга душман,
Ва пушмондай вафодор ошна?

Яна ким бор мендай нотавон?
Орзулари — ёнган байроқлар.
Кўзин ёши равондан-равон,
Умидлари — сўниқ чироқлар...

Ким бор яна?..
Ва яна нима?..

Муаллиф ҳақида:

Муҳайё Рустам қизи — 1973 йили Пахтачи туманида туғилган. Навоий давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Фаолиятини Навоий вилояти телерадиокомпаниясида бошлаган. “Дўстлик байроғи” газетаси, “Ёш куч”, “Ғунча”, “Саодат” журналларида ишлаган. Айни пайтда “Jadid” адабий, илмий-маърифий, ижтимоий ҳафталик газетасида фаолият олиб бормоқда.

“Ой соҳили” номли шеърий тўплами чоп қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАВОИЙШУНОСЛИГИ:

ОЧИҚ ДАРСЛАР

1-6. Васиятнома — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этганидан сўнг бошқа шахснинг тасарруф этишини белгиловчи хоҳиш-иродаси ифоданланган ҳуқуқий ҳужжат. У шахсан тузилади ва вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир муҳим жиҳат: васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланади.

Китоб муаллифи Навоий ҳазратлари қаламига мансуб “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарлари ҳамда “Хамса” таркибидаги достонларида, бир томондан, тарихий шахслар, қалам аҳли, ижодий жараён билан боғлиқ ўнлаб васиятлар тилга олингани ҳолда, иккинчи томондан, бадиий қаҳрамонлар ҳаётининг муҳим жиҳатларини очиб берувчи тасвирлар акс этган яна кўплаб васият ва васиятномалар талқин қилинганига эътиборни қаратган. Олиманинг қайд этишича, “Навоийнинг маҳорати шундаки, ижодида тасвирлаган айнан бир васият ёки васиятномани мазмунан бир хил, аммо шаклан турли хил усулда ҳам ёзишга ҳаракат қилган”.

Шу билан бирга, олима аксарият навоийшунослар ўз тадқиқотларида улуғ шоир ва мутафаккир аждодимизнинг асарларидаги васиятномаларни кўпинча васиятнома деб эмас, асосан, мактуб, нома жанрининг бетакрор намунаси сифатида ўрганганлигини қайд этади. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки Навоий ҳазратлари “васият” сўзини қўллаган ўринларда ушбу тушунчанинг ҳуқуқий атама маъносидан ташқари ҳикматли сўз, панд-насиҳат каби кенг маъно қирраларини очиб бергани ҳам шуни тақозо этади.

Адолатда — маърифат, барака ва фазилат бор!

Алишер Навоий асарларини ўрганиш асосида адабиётшунос, асосан, адабий талқин нуқтаи назаридан ёндашса, ҳуқуқшунос улуғ бобомиз ижодининг фиқҳ билан боғлиқ қирралари таҳлилига кўпроқ урғу бериши тушунарли ҳол. Буробия Ражабова ҳам адабиётшунос, ҳам ҳуқуқшунос бўлгани учун бу борада тарозининг ҳар икки палласи тенг бўлишига интилгани таҳсинга лойиқдир.

Навоийшунос олиманинг фикрича, Алишер Навоий ҳазратлари ўз асарлари орқали биз — авлодларга адлу адолат борасида нималарнидир эслатгандек, ўргатгандек бўлади. Шу боис “Навоий ҳар қандай шафқатда, эҳсонда, адолатда, яхшиликда маърифат, барокат, фазилат бор, мурожаат қилган инсонни ўкситманг, адолатли бўлинг, фақат ва фақат хайрихоҳ бўлинг, дегандек бўлади”, деб ёзади Б.Ражабова.

Навоий асарларидаги адл, адолат ҳақидаги фикрларни ўқир эканмиз, кўпинча Нўширавони одил образига дуч келамиз. Бу тимсол орқали улуғ шоир ва мутафаккир аждодимиз адл ва адолат, хирадмандлик ва ҳушёрлик каби тушунчаларнинг қадр-қимматини очиб беради.

Жумладан, “Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам адолат ва шафқат қонунини зиёда қилиб, элу юртни обод қилган Нўширавони одил ҳамда у ёзиб қолдирган васиятнома ҳақида сўз борган. Бу машҳур ва умрбоқий васиятномада адолату шафқат қонунлари асосида тарбия топган Нўширавони одилнинг ҳаёти давомида орттирган учта фалсафий хулосаси ёзиб қолдирилган, дея қайд этади китоб муаллифи.

Биринчи фалсафий хулоса: “... адл бир қўрғондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас. Ва адл ганжедурким, кўпрак олғон сайин кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлар”.

Иккинчи фалсафий хулоса: “Ва хирадманд улдурким, махфий андоқ иш қилмағайким, ошкоро ани қила олмағай ва биров айбида андоқ сўз демагайким, юзига дей олмағай”.

Учинчи фалсафий хулоса: “Урушда душман оз деб ғофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтунни оз ўт куйдурур”.

Эътибор беринг: адл ҳақидаги ушбу пурмаъно васият Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Мен Нўширавони одил замонида туғилдим” деган муборак хабарини ёдга солади. Айни шу ҳадис Алишер Навоийнинг “Хамса” китобидаги достонларида, хусусан, “Садди Искандарий” достонининг “Адл васфида” номли бобида янада тўлиқ тарзда бадиий талқин этилган.

Ушбу талқинга кўра, Шоҳи иқлимгир Искандар жаҳон мулкини қўлга киритади. Аммо ҳам шоҳ, ҳам вали, ҳам наби ҳисобланувчи Искандар ўлим олдида ўзининг бечора ва овора бир банда эканлиги, уни ўлимдан қўл остидаги вазиру ҳокимлари ҳам, хазинасида тўлиб-тошган олтину кумушлари ҳам қутқара олмаслиги билан боғлиқ оддий ҳақиқату адолатни тушуниб етади.

Алишер Навоий бадиий қаҳрамони — Искандар Зулқарнайн васияти мисолида ўзининг шоҳ ва мулк, шоҳ ва раият каби ўта чуқур фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фикрларини илгари сурган.

Вақф — Навоийнинг молиявий ибодати

“Молиявий ибодат” ибораси ким учундир янгилик бўлса, яна кимлар учун ноаниқ ифода бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо молиявий ибодат ва унинг турлари ислом маърифатида қадимдан мавжуд бўлиб келган муҳим тушунча ҳисобланади.

Масалан, нақшбандия тариқатининг забардаст намояндаси, шайх Хожа Аҳрор Валийнинг қалами теккан жилд-жилд вақф ҳужжатларини олайлик. Бу юридик ҳужжатлар Темурийлар Уйғониш даврининг йирик мулкдори бўлган шайх ҳазратлари ёзиб қолдирган молиявий ибодатларга ёрқин мисолдир.

Айни чоғда, навоийшуносликда Алишер Навоийнинг молиявий ибодати мавзуси илк бор ўзбек олимаси Буробия Ражабова томонидан тадқиқ этилганини эътироф этишга бурчлимиз. Навоийшунос олима қайд этганидек, улуғ шоир ва давлат арбоби ўз асарларида молиявий ибодатнинг вақф, закот, фитр, ушр, фидя каби турлари ҳамда иш, меҳнат ҳақи ёки банда ҳақи, тўлов ҳақида жуда муҳим маълумот, изоҳ ва шарҳлар битган.

Китоб муаллифи “вақф Навоийнинг асосий молиявий ибодатларидан бири саналади”, деган илмий хулосани илгари сурган. Бу фикр бежиз эмас. Чунки Алишер Навоий қаламига мансуб “Вақфия” асарининг бир фасли “Маҳдудот” деб номланган бўлиб, айни шу бобда молиявий ибодатнинг вақф, вакф ҳуқуқи каби тушунчалари кенг шарҳланган.

“Маҳдудот” сўзи нимани англатади? Луғатларга кўра, маҳдудот — иқтисодий атама бўлиб, чегараланган, атрофи аниқланган ва ўралган жой, ер-сув ва бошқалар, мулклар деганидир. Бу тушунчанинг бирликдаги шакли “маҳдуд” тарзида ёзилади.

Шу маънода, Б.Ражабова талқинига кўра, Алишер Навоий “Вақфия” асарининг “Маҳдудот” фасли:

биринчидан, Навоий бобомизнинг вақф қилинган кўчмас мулкларидан ва уларнинг вақфи саҳиҳлигидан бизни хабардор қилса;

иккинчидан, ҳамма давр мулкдорлари учун мулкдор Навоий сиймосини ҳамда унинг молиявий ибодатини намуна, ибрат сифатида кўрсатишга хизмат қилади;

учинчидан, Янги Ўзбекистонда қайтадан ташкил этилаётган вақф ишларини юритишда очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига қатъий амал қилиш зарурлигини эслатиб туради.

Шу ўринда ўзбек олимаси ҳазрат Навоийнинг молиявий ибодатдаги ютуқларини нафақат вақф, балки закот, музд, иш ҳақи каби молиявий ибодат турларини таҳлил ҳамда талқин этиш орқали теран очиб берганини алоҳида таъкидлашни истардик. Муҳими, айни таҳлилу талқинлар илмий-назарий жиҳатдан пишиқлиги ва ишонарли экани билан эътиборни ўзига тортади.

Навоийнинг мулк ҳуқуқига оид қарашлари

Алишер Навоийга қадар ва кейинги даврларда яшаб ўтган Шарқ алломалари ва Ғарб мутафаккирларининг мулк тушунчаси ҳақидаги фикрлари илм-фанда озми-кўпми ўрганилган. Бироқ Навоий ҳазратларининг асарларида мулкка бўлган муносабати қандай бадиий, назарий, илмий-ҳуқуқий талқин қилингани масаласи биринчи бор Буробия Ражабова томонидан ҳам адабиётшунос, ҳам ҳуқуқшунос сифатида чуқур ўрганилганига амин бўлдик.

Навоийнинг мулк борасидаги фикр ва мулоҳазалари ҳам бошқа жуда кўп тушунчалар каби ғоя ва тимсол даражасига кўтарилган, баъзи ўринларда эса ҳуқуқий одат ҳамда қонун даражасида ифодаланган масаладир. Ҳазратнинг мулк борасидаги фикр, ғоя, тимсоллари, кўрсатмалари қатор дурдона асарларида, жумладан, “Хамса”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Маҳбуб ул-қулуб”да, ҳатто баъзи фасоҳатли шеърларида ранг-баранг маъно ва шаклда ўз ифодасини топган, деб ёзади олима.

“Мулк” — арабча сўз бўлиб, Қуръони каримдаги сураларнинг бири худди шу калом билан номланган. Бу сўзнинг ҳукмдорлик, Ватан, ихтиёридаги, қўлидаги бор дунё, ер-сув, иморат, мамлакат, вилоят, тасарруф, бойлик, ҳокимият, дастмоя, сармоя, хазина каби хилма-хил маънолари бор.

Б.Ражабова талқинига кўра, Алишер Навоий “мулк” сўзи воситасида давлат, мамлакат маъносидан ташқари тақдир, жамият, раият, бойлик, адл, адоват, ҳақ-ҳуқуқ, ризқ, хазина, иқтисодий дастак, бож, солиқ, ижтимоий тенглик ва тенгсизлик, ободлик, таназзул каби умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим муаммоларни ўртага ташлаган. Бинобарин, Навоий ҳазратлари ўз асарларидан бирини шу тушунча билан боғлаб, “Тарихи мулуки Ажам” деб номлагани ҳам бесабаб эмас.

Алишер Навоий “мулк” сўзини мамлакат, давлат, салтанат, ҳокимият каби маъноларида “Садди Искандарий” достони ва “Тарихи мулуки Ажам” асарида кўп ишлатган. Қолаверса, “Фарҳод ва Ширин” достонида ушбу тушунчанинг тож, тахт, салтанат, сипоҳ, мулк, мол-давлат, мамлакат каби еттита маъносини маҳорат билан ифодалаган.

Улуғ шоир ижодида, шунингдек, “жон мулки”, “кўнгул мулки”, “бақо мулки”, “йўқлик мулки”, “кавн мулки”, “сўз мулки”, “назм мулки”, “ҳақиқат мулки”, “чарх мулки”, “тун мулки”, “рисолат мулки” шаклидаги иборалар тез-тез учрайди. Б.Ражабова эътибор қаратганидек, масалан, “назм мулки” ибораси кейинчалик шоирнинг ўзига нисбатан “шеърият мулкининг султони”, “сўз мулкининг султони” каби таърифларнинг пайдо бўлишига замин вазифасини ўтаган.

Шеърият оламида бундай таърифлаш анъанаси асрлар оша давом этиб келмоқда. Жумладан, XX аср ўзбек шеъриятининг йирик намояндаси Мақсуд Шайхзода Ҳазрат Навоий ҳақидаги мақолалари тўпламини “Ғазал мулкининг султони” деб номлаган. Замонавий шеъриятимизнинг ёрқин вакили Икром Отамурод эса адабий жамоатчилик орасида “кангул куйчиси” дея таърифланади.

Навоийшунос олима яна бир муҳим тарихий далилга диққатимизни қаратади. Яъни, Ҳусайн Бойқаро ўзининг Алишер Навоийга ёзган мактубларида улуғ шоирни “қуввати асҳоби мулку миллат”, “эътизол ул-мулк”, “эътимод ад-давлати хоқоний” каби номлар билан улуғлаганидан сизу бизни хабардор этади.

Энг асосийси, Б.Ражабова ишонч билан уқтирганидек, Алишер Навоийнинг асарларидаги мулк мавзусига оид ғоялар Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги “Куч — адолатда”, “Куч — тартибда”, “Куч — соғликда” деган тамойилларга асосланади. Бунда улуғ шоирнинг “Адл бузуқ мулкни обод этар”, “Адл суйи била мулк бўстониға нусрат бермоқ”, “То эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”, “Мулкона қонуну ойин тузиб” деган ҳикматларида ҳам мулк эгаларининг бу борадаги вазифаси, масъулияти, бурчи таъкидланади, деб эътироф этади китоб муаллифи.

Шундай қилиб, адабиётшунос ва ҳуқуқшунос Буробия Ражабова ўзининг ҳар икки янги китобида Алишер Навоий ижодий меросини бирламчи манбалар асосида ўргангани, чуқур илмий таҳлил қилгани ва салмоқли назарий хулосалар тақдим этгани жуда муҳим. Бу жараёнда Темурийлар Уйғониш даврининг қўзга кўринган вакиллари ва Навоий ижоди ўзаро узвий боғлиқликда талқин қилингани, айниқса, таҳсинга сазовор.

Навоий бобомиз ижодига бағишланган ушбу иккита залворли китобнинг таҳлил ва талқинини битта мақола сарҳади билан қамраб олиш ниҳоятда мушкул, ҳатто имконсиз иштир. Шунинг учун сўзу таърифимизни мухтасар этдик.

Хулоса ўрнида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ иккита ҳолатга эътиборни қаратмоқчимиз.

Биринчи ҳолат: ушбу янги китоблар, асосан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ва олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари учун мўлжалланган.

Иккинчи ҳолат: “Боқий васиятномалар” ва “Сўзлар билан сўзлашув” китобларининг адади атиги 300 тани ташкил этмоқда.

Кўриб турганингиздек, китобхонлар қўлами жуда тор олинган. Фикримизча, айни қамровни изчил кенгайтириш керак. Қолаверса, китоблар ададини оширишнинг амалий чораларини топиш зарур. Янада муҳими, ушбу китобларда қайд этилган қизиқарли маълумотлар ва муҳим илмий янгиликларни миллий таълим тизимимизнинг барча босқичларига мансуб адабиёт дарсликларига сингдириш лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.**

Шундай экан, инсонни улуғлаш ва инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-муҳаббатни тараннум этишни ўз ижоди марказидаги энг ҳаётий мавзулардан бири деб билган Алишер Навоий ҳазратларининг ҳаёт йўли ҳамда ижодига бағишланган бундай мақбул ва юқори савиядаги асарлар Янги Ўзбекистон таълим даргоҳларида кенг миқёсда ўқитилиши ва мамлакатимиздаги барча кутубхоналарга етказиб берилиши ҳам фарз, ҳам қарздир.

Акмал САИДОВ,
академик,
юридик фанлар доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЛУҚМА

“AQLLI” бекат десам, дўкон экан...

Бекатни ўйлаб топганларга минг раҳмат, дегинг келади. Шу жойга келганда бироз тўхтаб, ҳордиқ чиқариш, манзилингга олиб борадиган уловни кутиш асосида хаёлга берилиш ҳам мумкин. Нима қиляпсан, қаёқдан келиб, қаерга кетяпсан — ҳеч кимнинг иши йўқ, чунки ўз номи билан бекат-да!

Шу каби ўйлар билан катта йўл четидаги бекатга яқинлашдим. Ёпирай! Бекатмисан-бекат! Атрофи ғиштин ва ойна деворлар билан ўралган, бамисоли сарой-а! Пештоқига дабдабали тарзда “Ақлли бекат” деб ёзилган бинонинг эшиги қаёқдалигини топгунимча бир муддат ўтди. Ниҳоят, топдим. Ичкари кирдим-у, ўзимни озиқ-овқат дўконида кўрдим! Турфа егулик, ичимлик ва чекимликлар, алламбало буюмлар, болалар ўйинчоқларидан тортиб аёллар кийимигача бор.

— Келинг, нима ахтаряпсиз? — деган овоз келди раста орқасидан.

— Ўзим... Шундай... Ақлли бекатга... — бироз довдираб жавоб бердим.

— Э, қанақа бекат?! Қанақа ақлли?! — овоз эгаси рўпарамда пайдо бўлди. — Ташландиқ жой эди, обод қилдим, анча-мунча чиқим қилдим. Ҳар куни супуриб-сидираман. Дам олишга вақт йўқ. Шароит оғир... Ўзларича бекат дейишади... Яна ақллилик қилишади...

Бекат, э йўғ-э, дўкон мутасаддиси узоқ жавради. Назаримда, унинг кайфияти ёмон эди. Менинг “ақлли бекат” деганим ёқмади, шекилли. Ўзимни ташқарига олдим. Қаерда туришни билмай, иншоотнинг ортига ўтдим. Шамол бетон ариқ ичига тўплаб қўйилган чиқинди, хазон, қоғоз парчаларини учиришга тушди. “Ҳе, ўл-э, ақллилик қилишга бало борми?” — ўзимни койидим ичимда.

Бекат олдига кичикроқ юк машинаси келиб тўхтади. Дўкон эгаси билан ҳайдовчи ундан буюмларни тушира бошлашди. Шу пайт бирдан автобус келиб қолди. Бесўнақай эмасми — расамадини қилиб тўхтаб олгунча ҳайдовчи бечора анча қийналди. Олд ойнасига қадалган ёзувга қарадим: йўқ, мен борадиган манзилга эмас экан. Автобус бир-иккита одамни туширди-ю, яна худди унга халақит беришга шайлангандек қўйиб кетилган енгил автомобилларни четлаб, йўлига равона бўлди.

Шу лаҳза ёнимга қўлида бозорхалта кўтарган кампир келди. Юки оғирлигиданми, шошилганиданми, ҳансираганча ўзига ўзи гап қотди: “Уфф, чарчадим. Ўтиргани жой йўғ-а...” Беодоблик бўлмасин деб унинг гапларини эшитмагандек тутдим ўзимни. Кейинги автобусни кута бошладим. Хаёл олиб қочди: “Нима учун бекатга “Ақлли” деб ном қўйишган?” Бир-икки ой аввал газетада ўқигандим: адашмасам, қайсидир вилоятда шундай бекатлар қурилиши, “Ақлли бекат”ларда тўхтовчи автобус ва йўналишдаги таксиларнинг келиш-кетиш вақти тўғрисида ахборот берувчи таблолар, бекатдан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида бепул Wi-Fi тизими, обҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда йўловчиларни ёзда иссиқдан, қишда эса совуқдан ҳимоя қилиш учун кондиционер, мобиль қурилмаларни зарядлаш учун USB-розеткалар, керакли маълумотларни олиш учун сенсорли экран ва бошқа махсус жиҳозлар ўрнатилиши ҳақида ёзилган эди... Зап ўйлаб топишган экан-а! Ақлли одамлар кўп-да!

Кимдир менга тикилиб қараётганини сездим. Ортимга ўгирилиб, қовоғини солганча ўқрайиб турган бекат, йўғ-э, дўкон эгасига кўзим тушди.

Шерзод ҚОРАБОЕВ,
“Hurriyat” мухбири.
Фарғона вилояти

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 007
Буюртма — Г-244
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 22^{15}

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.